جدید


Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

2024-yil 25-oktyabr
№ 44(44)
www.jadid-media.uz

adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

ОЛИС ВА ЯҚИН ХОТИРАЛАР



“...Ойбек домла “Навоий” романи билан Алишер Навоий сиймосини қандай порлатган бўлса, Пиримқул Қодиров “Юлдузли тунлар” романи билан буюк Бобур сиймосини шундай порлатди. Ҳукмрон салтанат учун бундай улуғ сиймоларнинг зиёси қайсидир хандақларда кўмилиб кетиши муҳим эди. Лекин бу таъқибу тазйиқлар қанчалик хатарли бўлмасин, роман халқ қалбидан жой олиб бўлганди...”

(5-саҳифада ўқинг).

ФОРУМ



ХАЛҚАРО МАДАНИЙ МЕРОС ҲАФТАЛИГИ

Ўтган ҳафтанинг 18 октябрь куни пойтахтимиздаги Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти (WOSCU) конференция залида ўз ишини бошлаган Маданий мерос форуми қизғин давом этмоқда. “Шарқ ренессанси феномени: давлатлар, динлар ва цивилизациялар” мавзусида бўлиб ўтаётган мазкур халқаро анжуманда 100 дан ортиқ хорижий олимлар ва мутахассислар, жумладан, халқаро маданий ташкилотлар раҳбарлари, чет эл музейлари ва кутубхоналарининг бошқарувчилари қатнашмоқда.

Халқаро тадбирнинг очилиш маросимида Янги Ўзбекистонда давлат томонидан фан, маданият, таълим соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди. Фильмда давлатимиз раҳбари томонидан маданий меросни ўрганиш ва сақлаш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар, шунингдек, таълим дастурларини жорий этиш, WOSCU конгрессларини ўтказиш каби ташаббуслар ёритилган. Қувонарлиси шундаки, бу каби ташаббуслар Ўзбекистон маданияти ва санъатини, тарихини нафақат хорижликларга намойиш қилишга, айни пайтда чет эллик ҳамкорлар билан тажриба алмашишга, ўзаро мулоқотларни жонлантириш, дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

– Ўтаётган ҳафталик Ислом цивилизацияси маркази учун муҳим аҳамиятга эга, – деди ушбу марказ директори, Маданий мерос ҳафталигининг мувофиқлаштирувчиси Фирдавс Абдухолиқов. – Чунки тадбир доирасида Марказимиз олдига қўйилган мақсад ва вазифалар ижроси амалда намойиш этилиб, навбатдаги вазифалар кўлами аён бўлади. Айни пайтда ушбу халқаро анжуман хорижлик ҳамкорлар билан янги қўшма лойиҳаларни ишга тушириш, юртимизнинг маданий меросини сақлаш, асраб-авайлаш ҳамда уни ўрганиш ва оммалаштириш борасида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳафталик давомида бўлиб ўтаётган тадбирлар анжуманнинг мазмун-моҳияти, унинг халқаро миқёсдаги аҳамияти ва кўламини яққол кўрсатиб турди. “Шарқ Ренессанси феномени: салтанатлар, динлар ва тамаддунлар”, “Ислом дини – инсонпарварлик, эзгулик, тинчлик ва маърифатпарварликка элтувчи дин”, “Асрлар хазиналари: Ўзбекистон қўлёзмалар мероси”, “Биринчи Ренессанс кашфиётларининг жаҳон цивилизацияси ривожига таъсири”, “Темурийлар даврига саёҳат”, “Ислом цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий инновацион музейига глобал тенденциялар ҳамда янги форматларни тақдим этиш”, “Янги Ўзбекистонда маданият ва санъат соҳасидаги ислоҳотлар” каби турли мавзудаги халқаро форумлар, симпозиумлар юртимизда маданий меросни ўрганиш ва сақлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўламининг кенглиги ҳамда мазмундорлигидан далолат беради.

Анжуман доирасида ташкил этилган археология ва этнография дурдоналарига, Ўзбекистондаги қўлёзмалар меросига, тинчлик, эзгулик ва маънавий уйғониш ёғдуси бўлмиш Қуръонга бағишланган ҳамда Темурийлар тарихи давлат музейидаги янги кўргазмалар, Кино санъати тарихи музейидаги қизиқарли лойиҳа тақдимотлари барча қатнашчиларда ёрқин таассурот қолдирди.

(Давоми 2-саҳифада).

ТАДҚИҚОТ

ЖАДИДЛАРНИНГ ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Президентимиз таъкидлаганларидек: “Ўз моҳият эътиборига кўра ноёб ижтимоий-сиёсий феномен бўлган жадидлик ғоясининг шаклланиши ва тараққиётига доир дунёнинг бир қатор мамлакатларида кўплаб тадқиқотлар яратилган бўлса-да, ушбу ҳаракат намояндаларининг Марказий Осиё ҳудудида миллий давлатчилик ва минтақавий ўзига хосликни, фуқаролик жамиятининг ривожланишига қўшган улкан ҳиссасини концептуал ва тизимли асосда атрофлича ўрганиш долзарб масала бўлиб қолмоқда”.



Акмал САИДОВ,
академик

Бугунги кунда тараққийпарвар аждодларимизнинг, жумладан жадидларнинг илғор ғоя ва қарашларини тадқиқ этиш, уларнинг миллий давлатчилик ва ҳуқуқ ривожи тўғрисидаги назарий қарашлари билан бирга амалий тажрибаларини ҳам ўрганиш жуда долзарб аҳамиятга эга. Жадидлар қонун устуворлигини таъминлаш асосида демократик жамият қуришга интилганлар. Биз бугун Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессансни бунёд этишда, албатта, жадид алломаларимиз қолдирган бой ҳуқуқий меросдан кенгроқ фойдаланишимиз керак.

Жадид боболаримиз зулм ва жаҳолат булутлари қоплаган Она Ватанимиз осмонини маърифат зиёси билан мунаввар этишга, мустабид занжирларини парчалаб, озод ва обод, инсон ҳуқуқлари ҳимояланган, таъбир жоиз бўлса, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга жидду жаҳд қилишган, десак муболаға бўлмайди. Улар мустамлакачиларга қарши мардонавор курашиб, халқ манфаатлари учун азиз жонларини фидо этишган.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг: “Агар бизнинг ҳаётимиз ҳуррият ва халқ бахт-саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз!” деган сўзларида ўз ифодасини топган жадидларга хос шижоат ва ватанпарварлик инсон қадри улуғланган, адолатли, эркин ва обод жамият, халқпарвар Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ислоҳотларни амалга оширишда ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Жадидларнинг ғоя ва мақсадлари, ҳаёти ва ижоди, маърифий ва сиёсий фаолиятини ўрганиш борасида адабиётшунос, тарихшунослар, файласуфлар ҳамда юрист олимлар қатор тадқиқот ишларини олиб боришган.

Ҳуқуқшунос олимлар қаторида бугунги кунда жадидларнинг давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги қарашларини ўрганаётган олима – юридик фанлар номзоди, доцент Мавлуда Эргашеванинг фаолиятини ҳам алоҳида эътироф этиш мумкин.

Олима қарийб йигирма беш йилдан бери жадидларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари, мақсад ва маслакларини тадқиқ этиб келаётир. Унинг “Абдурауф Фитрат – буюк ҳуқуқшунос” рисоласи, “Абдурауф Фитратнинг сиёсий ва ҳуқуқий таълимоти”, “Ҳуқуқшунослик, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш” (ҳаммуаллифликда) ўқув-услубий қўлланмаси чоп этилган.

(Давоми 6-саҳифада).

КУН МАВЗУСИ

САЙЛОВНИНГ АРАЛАШ ТИЗИМИ

Мамлакат тараққиётига таъсир этувчи муҳим сиёсий жараён – жорий йил 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловига ҳам саноқли кунлар қолди. Янгича тартибда ўтиши кутилаётган сайлов кунида асосли сабабларга кўра ўз яшаш ҳудудида бўлмайдиган юртдошларимиз учун ташкил этилган муддатидан олдин овоз бериш имкониятлари яратилди. Ҳудудлардаги сайлов участкаларида жараён қизғин давом этаётганининг ўзи ҳам ўзбекистонликлар ўзининг ва Ватанимизнинг эртанги тақдирига бефарқ эмаслигидан, қолаверса, уларнинг ҳар бири фуқаролик ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда бурчига масъулият билан ёндашаётганидан далолатдир. Таъкидлаш керакки, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли, дадил ва изчил ислоҳотларнинг устувор вазифалари ва асосий йўналишларидан бири ҳам инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминлашдан иборат.



Ислоҳотлар жараёнида мамлакатимизнинг янги таҳрирдаги Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган энг илғор демократик тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини, сайлов ҳуқуқини янада кенгроқ таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда сайлов қонунчилигининг муттасил такомиллаштириб борилиши, эркин демократик давлатга хос жуда муҳим, мантиқий, адолатли ва зарурий жараён ҳисобланади. Мамлакатимизда эркин ва адолатли сайловлар ва референдумларнинг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида бой тажриба тўпланган.

Шу ўринда қайд этиш керакки, 2023 йил 18 декабрь куни кучга кирган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун ҳам жамоатчиликнинг фикри кенг эътиборга олиниб қабул қилинган ҳужжатлардан биридир.

(Давоми 2-саҳифада).

МУЖДА

Парижда ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг 220-сессияси бўлиб ўтди. Унда аъзо мамлакатлар бир овоздан “Сунъий интеллект одоб-ахлоқи соҳасидаги илмий тадқиқотлар учун Беруний номидаги ЮНЕСКО–Ўзбекистон мукофоти”ни таъсис этиш ташаббусини қўллаб-қувватлади.



Беруний номидаги ЮНЕСКО–Ўзбекистон мукофоти таъсис этилди

Мазкур ташаббус Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан сунъий интеллектни ривожлантиришда ахлоқий жиҳатларни тарғиб этиш ва бу борадаги илмий ҳамкорликни рағбатлантириш мақсадида илгари сурилган.

Беруний мукофоти инклюзивлик ва маданий хилма-хилликка алоҳида эътибор берган ҳолда сунъий интеллект одоб-ахлоқи соҳасидаги изланишларни рағбатлантиришга қаратилган. Бу Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги илмий-маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний илмий меросини халқаро миқёсда оммалаштиришда муҳим қадам бўлади.

Бу сунъий интеллект одоб-ахлоқи соҳасидаги ютуқлар учун бериладиган БМТ тизимидаги илк халқаро мукофот саналади. У ҳар икки йилда бир маротаба уч нафар ғолибга топширилади. Тақдирлаш сунъий интеллект соҳасидаги илмий тадқиқотларни юксалтирувчи ва ахлоқий тамойилларнинг амалда қўлланилишини намойиш этувчи лойиҳа ва ташаббуслар учун амалга оширилади. Ғолибларга пул мукофоти, сертификат ва медаль топширилади.

Мукофотнинг илк тақдимоти 2025 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси доирасида ўтказилиши режалаштирилган.

Ғолиблар сунъий интеллект соҳасидаги етакчи мутахассислардан иборат мустақил халқаро ҳакамлар ҳайъати томонидан аниқланади.

Ушбу мукофот сунъий интеллектни ишлаб чиқишда нафақат ахлоқий ёндашувларнинг муҳимлигига урғу беради, балки жаҳоншумул чақириқларга ечим топишга йўналтирилган халқаро илмий ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича янада кенг қамровли саъй-ҳаракатларнинг бир қисми ҳисобланади.

ЎзА

САНЪАТ – ДЎСТЛИК ЭЛЧИСИ

“ИККИ ДИЁР ФАРЗАНДИМАН”

Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти Тўлқин ТОЖИБОЕВ билан суҳбат

– Жорий йил ҳаётингизда қувончли воқеалар юз берганидан хабаримиз бор. Уларнинг энг қувонарлиси, “Ўзбекистон халқ артисти” деган шарафли унвонга эришганингиздир. Тожикистонда яшаб ижод қилаётган ўзбек санъаткорининг Ўзбекистон Президенти, Ўзбекистон халқи томонидан эътироф этилишини қандай кутиб олдингиз?



– Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев жаноб олийларининг шахсан ўз қўллари билан унвонни топширган дамни бир умр унутмайман. Икки Президент – Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмоннинг ўртасида суратга тушиб, бу санъатсевар инсонларнинг табригини эшитар эканман, ўзимда йўқ хурсанд эдим, гўё оёқларим ерда-ю, осмонда учардим. Фақат бир мен эмас, “Ўзбекистон халқ артисти” фахрий унвонига эга бўлган бошқа тожикистонлик санъаткорлар ва “Тожикистон халқ артисти” ҳамда “Тожикистон халқ ҳофизи” фахрий унвонларига сазовор бўлган ўзбекистонлик санъаткорлар ҳам шундай ҳаяжонли ҳолатга тушишди, деб ўйлайман.

Мен бу эътиборни Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстликнинг амалий натижаси, дея ҳисоблайман.

(Давоми 3-саҳифада).



САЙЛОВНИНГ АРАЛАШ ТИЗИМИ

Бошланиши 1-саҳифада.



Гулноза ЖЎРАЕВА,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети проректори

Унда Қонунчилик палатасига сайловда аралаш, яъни мажоритар ва пропорционал тизимни жорий қилишга доир янги тартиблар белгиланди.

Аралаш сайловнинг афзаллиги – ўзида амалдаги мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларининг энг илғор тамойилларини уйғунлаштириб, бирбирини ўзаро тўлдирганидадир.

Шу ўринда савол туғилади. Аралаш, яъни мажоритар ва пропорционал тизим ўзи нима? Бу сайловчилар, сайланувчилар ва сайлов ташкилотчилари учун қанчалик муҳим?

Биламизки, парламентимиз қуйи палатаси беш йил муддатга сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат. Бу йил мамлакатимиз тарихида биринчи марта депутатларнинг етмиш беш нафари бир мандатли сайлов округлари бўйича сайловчиларнинг бевосита номзодларга берган овозларига мувофиқ сайланади. Қолган, етмиш беш нафари эса ягона сайлов округи бўйича сиёсий партияларга берилган овозларга мутаносиб равишда кўрсатилган номзодлар рўйхати (яъни, партия рўйхати) асосида сайланади.

Энди сайловчи Қонунчилик палатаси депутатлигига сайловда иккита бюллетен орқали овоз беради: биринчисида аниқ бир номзодга овоз берса, бошқасида ўзи ишонган сиёсий партияни танлайди.

Илгари депутатликка номзодлар миқдорининг камида 30 фоизини аёллар ташкил этиши керак деган гендер квотаси кўрсаткичи эндиликда 40 фоиз этиб белгиланди. Сиёсий партия рўйхатидаги кетма-кетликда ҳам ҳар беш номзоднинг икки нафари аёл киши бўлиши лозим.

Мажоритар тизимда номзодлар сайловчиларнинг ярмидан кўпининг овозини ололмаслиги каби ҳолатлар ҳам рўй бериши мумкин эди. Бу эса такрорий овоз беришни ўтказиш, қўшимча оворагарчилик ва харажатни талаб этарди. Маълумотларга кўра, 2019 йилда ўтказилган парламент сайловларида йигирма бешта сайлов округида такрорий овоз бериш ўтказилган.

Бундан ташқари, бўшаб қолган депутатлар ўрнини тўлдириш учун сайлов комиссиялари фаолиятини қайтадан тиклаш зарур. Бу эса минглаб одамларни яна сайлов комиссиялари ишига жалб этиш, сайловчиларни яна овоз беришга даъват қилиш билан боғлиқдир. Пропорционал сайлов тизимининг афзаллиги – бундай ҳолатларда партия томонидан кўрсатилган рўйхат бўйича навбатдаги номзод депутатлик ўрнини эгаллайди. Партиялар томонидан шакллантирилган рўйхатлар жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинади.

Бу мамлакатимизнинг миллий сайлов тизими тарихидаги ғоят муҳим янгилик. Аралаш тизимнинг афзаллигини амалдаги сайлов тартибининг энг илғор тамойилларини уйғунлаштирганида кўриш мумкин. Амалиётга жорий этилаётган пропорционал сайлов тизимида юқорида таъкидлаганимиздек, сайловчи депутатликка номзодга эмас, балки сиёсий партияларга овоз беради. Қонунчилик палатасидаги эллик фоиз депутатлик ўринлари сиёсий партияларга берилган овозларга мутаносиб равишда сиёсий партияларнинг депутатликка номзодлар рўйхатлари ўртасида тақсимланади.

Жорий йилдаги сайловлар янгиланган Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган кучли парламентаризм ва жойларда вакиллик органларининг ваколатлари сезиларли даражада кучайтирилган шароитда ўтади.

Яна бир муҳим жиҳат. Ҳокимларнинг халқ депутатлари кенгашларига раҳбарлик қилиши бекор қилинди. Давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда вакиллик органларининг ролини ошириш мақсадида аввал ҳокимлар ваколатида бўлган ўттиз учта ваколат маҳаллий кенгашларга ўтказилди. Бу эса сиёсий партиялар ва номзодлар ўртасида фаол рақобат муҳитининг шаклланишига хизмат қилади.

Юқоридагилар хулоса қилиш мумкинки, сайловнинг аралаш тизими аввало, сайловчилар учун, қолаверса сайланувчилар ва сайлов ташкилотчилари учун ҳам янги, янада кенг қулайлик ва имкониятлар яратади.



ХАЛҚАРО МАДАНИЙ МЕРОС ҲАФТАЛИГИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Ислом тарихи, санъати ва маданияти тадқиқот маркази (IRCICA) бош директори ўринбосари Женгиз Томар, Намик Кемал университети тарих кафедраси профессори Халит Эрен (Туркия), Wilmotte & Associates етакчи дизайнери ва лойиҳалар раҳбари Эммануэль Брелло (Франция), Берлин давлат кутубхонаси Марказий Осиё бўйича етакчи мутахассиси Айсима Мирсултон (Германия), Истанбулдаги Ислом цивилизацияси сайилгоҳи раҳбари, Қуръоннинг Истанбулдаги ноёб кўчирма нусхалари муаллифи Ҳусайн Қутлу (Туркия), Михо музейи махсус илмий ходими, фан доктори Сергей Лаптев (Япония) ва бошқа халқаро экспертларнинг махсус чиқишларида Шарқ ренессансларининг дунё миқёсидаги аҳамияти алоҳида таъкидланди.

Айниқса, “Ислом – тинчлик ва эзгулик дини” симпозиуми давомида Турк қўлёзмалари бошқармаси президенти Жўшқун Йилмазнинг 1318 йили Олтин Ўрда ҳукмдори Ўзбекхон томонидан кўчирилган Қуръони Каримнинг нодир қўлёзмаси мазкур бошқармага қарашли Сулаймония кутубхонасида сақланаётгани ва айни пайтда Ўзбекистондаги Ислом цивилизация маркази билан ҳамкорликда унинг факсимиле нусхасини чоп этиш ниятида эканликлари ҳақидаги хушхабари иштирокчиларни жуда қувонтирди. Шунингдек, Истанбул университети профессори, доктор Эмек Уменмезнинг Амир Темур авлодидан бўлган Малика Шодмалик Хотун қўли билан ёзилган Қуръони Карим ҳақидаги маърузаси маълум маънода ҳафталикнинг кашфиётларидан бири бўлди. Маърузада айтилишича, бу қўлёзма ҳижрий 871, милодий 1467 йили кўчирилган бўлиб, Истанбулдаги Турк ва ислом асарлари музейида сақланади.

Президентимиз томонидан илгари сурилган “Тирик тарих” лойиҳаси тақдимотига бағишланган тадбирлар, кутубхона инновацияси анъаналарига оид халқаро анжуман ҳам тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Бугун, форум ишининг сўнгги кунида қатнашчилар Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказига ташриф буюради ҳамда “Шарқ миниатюраларида тарихий шахслар” деб номланган лойиҳа тақдимотида иштирок этади. “Учинчи Ренессанс: Янги Ўзбекистонда маданий-тарихий меросни ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш феномени” деб номланган якуний ялпи мажлис ва маданий мерос ҳафталигининг ёпилиш маросими бўлиб ўтади.



Женгиз ТОМАР,
Туркия Ислом тарихи, санъати ва маданияти тадқиқот маркази бош директори, профессор:

– Етти-саккиз йилдирки, Ўзбекистонда жуда катта ўзгаришлар юз беряпти. Бунинг учун давлат раҳбари Шавкат Мирзиёевга миннатдорлигимизни билдирамиз. Зеро, сўнгги йилларда Туркия ва Ислом оламида, айниқса, илм-фан ва маданият соҳасида муносабатларимиз доираси кенгайди. Турк дунёсининг энг ривожланган давлатларидан бири қадимдан Туркистон бўлган. Туркистон деганда, кўз олдимизга, энг аввало, Ўзбекистон келади.

Бизнинг Ўзбекистон билан ўхшаш томонларимиз кўп. Маълумки, бугун Туркия дунёнинг энг ривожланган давлатларидан бири. Ўзбекистон ҳам минтақа географиясида алоҳида мавқега эга. Бугун ўзаро муносабатлар борасида шундай имкониятлар юзага келдики, бундан фақат хурсанд бўлишимиз керак. Яъни биз бир ҳафта Ўзбекистонда бўлсак, кейинги ҳафта ўзбеклар Туркияга боради. Ҳамкорлигимиз шу тариқа янада мустаҳкамланиб бораверади.

Кези келганда, ўзаро муносабатларимизда жадидлар ҳаракатининг алоҳида ўрни борлигини айтиш лозим. Зеро, юртларимиз ҳаётида жадидлар ҳаракати жуда муҳим ўринни эгаллайди. Маданий-маърифий жабҳадаги кенг кўламли ҳамкорликларимиз илдизлари жадид боболаримизга бориб тақалади.



Карим ИФРАК,
Франция Миллий илмий-тадқиқотлар маркази ижрочи директори, исломшунос олим:

– Қуръон қўлёзмаларини дунёнинг бошқа кутубхона ва музейларидан ҳам топиш мумкин. Бироқ айнан Ўзбекистондагиси алоҳида бир мавзу. Бу ерда тадқиқот олиб бориш давомида шунга амин бўлдикки, юртингизда сақланаётган Қуръон қўлёзмалари бошқа кутубхона ва фондларда топилмайди, жуда камёб. Бунга Катта Лангар Қуръони ва Ислом Қуръон мусҳафларини мисол қилиб келтириш мумкин. Ўзбекистон фондларида сақланаётган Қуръон қўлёзмалари бизни илҳомлантириб, янада чуқур тадқиқот олиб боришга ундамоқда. Илмий изланишлар давомида мазкур қўлёзмалар ноёблиги билан бизни ўзига тобора жалб этяпти.

Зеро, мусулмон дунёси маданий мероси тадқиқотчилар учун минг йиллар давомида ўрганишга арзирли муҳим манбаларга эга. Қадим Мовароуннаҳрда тўпланган илмий, маънавий мерос, ноёб асарлар ҳалигача бутун дунё аҳлини ҳайратлантириб келади.

Қўлимиздаги телефон, ҳар куни ишлатаётган замонавий технологияларимиз, ҳатто сунъий йўлдош – ҳаммасининг ортида Муҳаммад Хоразмий чеккан заҳматлар, кашфиётлар турибди. Шу маънода айтиш мумкинки, инсоният тарихида мусулмон цивилизациясидек фавқулодда ҳодиса кузатилмаган.

Умида ТЕШАБОЕВА,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори:

– Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти, санъати, маънавияти, илми бой. Шу сабаб ҳам дунё ҳамжамиятининг юртимизга қизиқиши катта. Маданий мерос ҳафталигини ўтказишдан асосий мақсад мана шу маданий меросимизнинг буюклигини, қадрини, жаҳонга кенг тарғиб қилиш ва энг аввало, ёшларимизга етказишдир.

Ҳафталик доирасида саккизта илмий майдонда турли мавзуда ташкил этилган тадбирлар давомида турфа кўргазмалар, илмий анжуманлар, китоб тақдимотлари ўтказиляпти. Бу анжуман қатнашчилари ва меҳмонлари учун муҳим манба бўлади, деган умиддаман. Шунингдек, хориждан ташриф буюрган таниқли олимлар ва мутахассисларнинг чиқишлари ҳам юртдошларимиз учун фойдали бўлаётир.



Форум дастурига мувофиқ “Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанснинг кутубхона инновацияси анъаналари асосида” деб номланган анжуман Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўтказилди. Тадбир юртимизда сўнгги йилларда ахборот-кутубхона соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар моҳиятини очиб беришга бағишланди. Мазкур тадбир туфайли чет эллик ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашиш имконига эга бўлдик.

Гулчеҳра УМАРОВА
Абдуманнон МАМАТОВ олган суратлар

ИБРАТ

ҚАҚРОҚ ЧЎЛДА

Самарқанднинг серғайрат қизи Сабоҳат Азимованинг ризқу насибасини тақдир шамоли Мирзачўлга сочган экан. Турмуш ўртоғининг иши билан қақраган чўлда, муаттар гул бўлиб томир ёйган нозикниҳол келинчак бугун нуроний ёшда. Умрининг сокин даврига келган бўлса-да, ҳамон жўшқин, ҳамон ҳаракатчан.

У ҳаётининг 40 йилини шифокорликка бағишлади. Пайариқ марказида яшовчи отасининг қуролдош дўсти талаба қиз – Сабоҳатни Мирзачўлдаги сутни қайта ишлаш заводида ишлаётган ўғли Нуриддин Мардиевга келин қилди. Бироз ўтиб, икки гўдаги билан Сабоҳат ҳам эрининг ортидан келиб, интернатурани туман тиббиёт бирлашмасининг ички касалликлар бўлимида тугатди. Ўша кунларини у шундай хотирлайди:

– Ишим ниҳоятда кўп. Мурғак болаларим билан жуда қийналардим. Айниқса, қизим инжиқ ва йиғлоқи эди. Фаррош аёл қарашган қизимга. Ўғлимни эса Юсуф ака деган завод қоровули кўтариб юрарди. Бир нарсани айтай, шароитим қандай бўлишига қарамай, ўқувчилик давримда ҳам, талабалигимда ҳам бирор соат дарсдан, фаолиятим давомида бирор кун ишдан қолмаганман. Фақат илмий ишим чала қолиб кетди. Оилавий ташвишлар ва ишга ўралашиб давом эттиролмадим.

Ёш оила Мирзачўлда астойдил ишлади. Нуриддин ака завод директори лавозимига кўтарилди. 1987 йилда мамлакатга гўёки махсус топшириқ билан келган Гдлян ва Ивановнинг “қора қуюни” Сабоҳат опанинг ширин турмушига ҳам чанг солди, умр йўлдоши терговга тортилди. Сўроқ жараёнларида сирдарёлик “раисполкомга пора бердим, деб айтасан”, деган қатъий талаб қўйилди. Учинчи фарзандига ҳомиладор Сабоҳат ўн кун Мирзачўл ва Ғаллаорол орасида саргардон бўлади. Ҳар қанча қийин кечса-да, эри виждонида рост туриб, бир бегуноҳга уюштирилаётган фитнага бош қўшмайди. Ўша раисполком ҳам, Нуриддин ака ҳам қамоқдан озод бўлади ва шундан сўнг оила тинч-хотиржам яшашади, ишлашади.

Йиллар ўтиб, Сабоҳат опа Жиззах вилоят реабилитация шифохонасига терапевт врач бўлиб ишга кирди. Шу орада у ҳам мактаб ўқувчилари, ҳам тиббиёт коллежи талабаларига дарс берди, ҳам поликлиникада ишлади. 2009–2013 йилларда эса вилоят реабилитация шифохонасини бошқарди.

Афсуски, атрофдагиларнинг ҳаммаси ҳам ютуқларингни тўғри қабул қилавермас экан. Сабоҳат опанинг ишларидан кир қидирадиганлар топила қолди. Бош шифокорлик ўрни учун зимдан кураш бошланди. Опанинг устидан турли бўҳтонлар уюштирилиб, юқори органларга юмалоқ хатлар битилди. Ўз меҳнатига ҳалол, соҳасининг билимдони, кучли мутахассислиги, бунинг устига ҳисоб-китоб масалаларида ҳам ўткирлиги учун қайта-қайта ўтказилган текширувлар унинг ҳалол ишлаб келаётганини исбот этди, холос.



“ИККИ ДИЁР ФАРЗАНДИМАН”

Бошланиши 1-саҳифада.

Икки халқ орасидаги абадий дўстлик янги босқичга чиқди. Икки қардош, икки қўшни республика бу йил иттифоқдош мамлакатга айланди.

Унвон берилган кунда, бундан саккиз-тўққиз йиллар олдинги бевосита ўзим бошимдан кечирган кунларни эсладим. Менинг амакиларим, аммам Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги Ўқчи қишлоғида яшашарди. Тақдир экан, икки амаким ва аммам бандаликни бажо келтиришди. Лекин мен ҳам, Хўжанддаги қариндошларимиз ҳам армонда қолдик, бирортасининг таъзиясида қатнаша олмадик. Чегаралар ёпиқ эди. Отам вафот этганларида эса, ўқчилик қариндошларимиз келишолмади. Қариндошларимизнинг қувончли кунларида – тўй-ҳашамларида иштирок эта олмаганимизни унутса бўлар, лекин оғир кунларда кўнгил сўрамасликни унутиб бўлмайди.

Бахтимизга, Президент Шавкат Мирзиёев барча қўшни давлатлар, жумладан, Тожикистон билан яхши қўшничилик муносабатларини тиклади. Икки йил олдин, ноябрь ойида аям кўзларимизни ёшлаб кетдилар. Жанозага Ўқчидан, Фарғонадан жуда кўплаб кишилар келишди. Ҳозир борди-келдимиз сира узилмаяпти. Олтмишинчи йилларда “Муштум” журналида танқид қилиб чиқилган Ўқчи ҳозирда жуда ўзгариб кетган. Кўп уйлар шаҳардагидан ҳам кўркамроқ, қулайроқ, замонавийроқ. Ўқчилик қариндошларимиз билан ҳар ойда бир марта “йиғин” ташкил қилганмиз. Навбати билан гоҳ Хўжандда, гоҳ Ўқчида бўлиб ўтади. Ҳар гал икки доно Президентнинг номлари эъзоз билан тилга олинади, уларнинг қадим-қадимдан дўст бўлиб келган икки халқ учун қилган ғамхўрликлари, халқчил сиёсатлари ҳақида мисоллар келтириб, сўзлашилади.

– Бу дўстликка кўз тегмасин. Келинг, энди бугунги кундан анча орқага қайтайлик. Анъанавий савол – нега сиз санъат соҳасини, айнан ҳофизликни танлагансиз?

– Энди бу оиладаги муҳитданми ё Худо томонидан менга берилган ҳадями... Сиз отимнинг иккита – Тўлқин ва Шокиржон эканлигини биласиз. Лекин бунинг тарихини билмасангиз керак. Ўтган асрнинг 60-йилида хўжандлик холам Хосиятхон Андижонга боради. У ерда концертга кириб, машҳур ҳофиз Шокиржон Эргашевнинг санъатига мафтун бўлиб қолади. “Синглим ўғил кўрса, исмини Шокиржон қўямиз”, деб ният қилади. Орадан вақт ўтиб мен дунёга келаман, ўн икки кунлик бўлганимда холам Хўжанддан кўргани келади. “Шокиржоним” деб эркалайдилар. Лекин менга “Тўлқин” деб от қўйишганини эшитади. Ота-онам: “Ўқчида Тўлқин отли машҳур қўшиқчи бор, унга ҳавас қилиб ўғлимизга шундай исм танладик”, дейишади… Шундай қилиб, ҳар икки исмим ҳам санъаткорнинг исмидан. Яхши ният – ярим давлат, деган гап бор. Балки буни тақдир, дейишар. Юқорида оиламиздаги муҳит, дедим. Бувим дутор чалиб, қўшиқ куйлаган. Аям – Башоратхон ҳам ашула айтган. Ашулалари ижтимоий тармоқларда ҳозир ҳам янграб туради.



– Сиз мактабда ўқиб юрган пайтингиздан бошлаб қўшиқ айтгансиз. Лекин аввалига машҳур ҳофиз Шерали Жўраевнинг қўшиқларини куйлагансиз. Ҳозирда ўз йўлини топган, ўз ижро услубига эга, ўзбек ва тожик тилида бирдай маҳорат билан куйлаётган санъаткорсиз. Бу йўлни топиш ҳам машаққатли бўлгандир?

– Мен санъатга етмишинчи йилларнинг охирлари, саксонинчи йиллар бошида кириб келганман. Ўшанда фақат мен эмас, жуда кўп ёш ҳофизлар Шерали акага тақлид қилардик. Лекин менга беш йил мусиқа мактабида таълим берган устозим Ином Алиматов ва яна бир устозим, дуторни сайратиб юборадиган Муроджон поччам ҳам “Ҳамма аввалига кимгадир тақлид қилади, лекин барибир ўз йўлингни топишинг керак”, дейишарди. Юқори синфда ўқиётганимда Тожикистон халқ артисти Мастона Эргашева Хўжандга келганида мени йўқлатиб, тўйга олиб борарди. Тўйлардан бирида у киши кўнглимни оғритмасдан насиҳат қилди: “Шокиржон, яхши овозингиз бор, Шерали Жўраевнинг қўшиқларини маҳорат билан ижро этасиз, лекин шу кетишда бир умр соя бўлиб қоласиз. Ўз йўлингизни топганингиз яхши”. Орадан бир йил ўтиб, институтга ўқишга кирганимда, радиода овозим ёзиб олинадиган бўлди. Ўшанда Тожикистон халқ артисти Жўрабек Набиев: “Афсуски, ўзингизнинг муаллифлик қўшиқларингиз йўқ экан-да”, деб келгусида шеърга, сўзга жуда талабчанлик билан ёндашиш зарурлигини айтган эди.

Мен ҳаёт йўлимда яхши устозлар билан учрашиш имкониятини бергани учун Худога шукур қиламан. Масалан, Тожикистонда хизмат кўрсатган артист Ўринбек Ҳамдамов Тошкентдаги консерваторияга ё Душанбедаги санъат институтига ўқишга бормоқчи эканлигимни эшитиб, бўладиган санъаткор шу Хўжандда ўқиса ҳам бўлаверади, деганди. Ўринбек устознинг “Консерваторияни, санъат институтини битириб келиб, иккита қўшиқни эплаб айтолмайдиганлар қанча...”, деганлари ҳам эсимдан чиқмайди. Мақом санъатининг донишмандлари, Тожикистон халқ артистлари Боймуҳаммад Ниёзов, Барно Исҳоқовадан ҳам кўп нарса ўргандим. Ҳозир Жўрабек Набиев ва Мастона Эргашевадан ташқари бошқа устозларим дунёдан ўтиб кетишган. Аллоҳ уларни раҳматига олган бўлсин! Ғойибона устозларим ҳам кўп – Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов… Мендан олдин ўтган ҳофизларнинг ҳар бирини ўзимга устоз деб биламан.

– Сиз Жўрабек Набиевнинг сўзга жиддий ёндашиш зарурлиги ҳақидаги гапларини эсладингиз. У пайтларда мен ёш эдим. Жўрабек ака ҳам гарчи таниқли ижрочи бўлса-да, ёш эди. Бир учрашувда “Мустаҳзод”ни айтди. Гапнинг очиғи, мен бир сўзни тушунмадим – “билошак”. Жўрабек акадан бу сўзнинг маъносини сўрадим. У киши “Афсус, мен ҳам билмас эканман”, деди. Эртаси эрталаб ишга келсам, мендан олдин Жўрабек ака келиб ўтирибди. У пайтлар интернет қайда дейсиз, “билошак”нинг маъносини қидириб топибди. “Шак-шубҳасиз” дегани экан. Сиз бирон шеърни куйга солаётганингизда тушунарсиз сўз учраб қолса, нима қиласиз?

– Мен Жўрабек акадан шеър танлашни ўрганганман. Тўғри, шеърлар кўп, лекин ҳаммаси ҳам ашула, қўшиқ бўлавермайди. Кўп шеърлар ўзи мусиқа билан яралади. Аввал мусиқа ёзиб, унга шеър танлаш осон иш эмас. Энди сўзни хато айтиш ҳақида. Бунинг сабаблари битта эмас. Айрим ҳофизлар устоз санъаткорларнинг ашулаларини қайта жонлантиряпти. Лекин айрим устозларда сўзни хато айтиш ҳолатлари бор. Ҳозирги ёшлар “устоз шундай айтган-ку”, дея хато айтишда давом этяпти. Бепарво, кўр-кўрона ёдлаб олишади. Ахир биздан олдин ўтган айрим устозлар бошқа касб эгалари бўлишган. Шеъриятдан яхши хабардор бўлмагандир, лекин туғма овозлари бўлган. Демак, устозлар шундай айтишган-ку, деб ижро этмаслик, асл нусхани топиб, қараб олиш керак.

Мен яқинда Чустий шеъри билан ўз услубимда бир ашула тайёрладим. Бу шеърни бошқа бир ҳофиз куйга солган эди. Ашулани қайта-қайта эшитдим. Қўшиқдаги бир сўзни тушунмадим. Бирон маъно топмадим. Асл нусхани қидирдим. Топилмади. Ниҳоят, бир танишимиз Чустга борадиган бўлиб қолди. Унга асл нусхани суриштиришни илтимос қилдим. Чустийнинг неваралари шеърнинг асл матнини топиб берибди. Хуллас, мен тушунмаган ва ҳофиз бузиб айтган сўз – “мумтоз” экан.

Мен ёш ҳофизларга Ўзбекистон халқ артисти, раҳматли Маҳмуд Тожибоевдан ўрганишни тавсия этаман. Уни “сўз заргари” деб атаган бўлардим. У киши ҳар бир сўзга жуда катта масъулият билан ёндашарди.

– Яқиндагина ўзингиз шогирд олдингиз, энди устозга айландингиз. Тожикистондаги “Шашмақом” ансамбларидан бирини бошқаряпсиз. Устоздан ўрганиш осонми, шогирдларга ўргатишми?

– Аввало, шогирд танлашга эътибор бериш зарур. Ҳаммада ҳам бир октавали овоз бор. Тўғри, ҳозир техника ривожланиб кетган, шу бир октавали овози борлар ҳам ашула айтиб юришибди. Компьютерда овозини чиройли қилиб ясаб беришади, кейин фонограмма қўйиб олиб, кимсан фалончи ашулачи бўлиб юришаверади. Айримлар ҳамма тингловчини нотани тушунмайди, деб билиб, фалш айтишади. Шу нотани олайми, олмайми, деб аросатда қолишади. Мен шогирдларимга соз чалишни ўрганиш зарурлигини айтаман. Соз чалишни билсангиз, ўзингиз пардани босасиз. Нотадан чиқиб кетмайсиз, тўғри, ҳозир ҳофизга қараб туриб, унга эргашадиган “эргашбой созандалар” ҳам йўқ эмас. Илгари битта тор, доира ва нари борса, аккордеон қўшилиб, ашула айтилаверарди. Энди чолғу ансамбллари тўлиқ бўлиши керак. Айниқса, мақом ижро этилаётганда. Чолғу ансамбли ва ҳофизнинг уйғун бўлиши осон иш эмас. Бунинг учун машқ, машқ ва машқ зарур.

Мен шогирдларимни – чолғучиларини жонли чалишга, ҳофизларни жонли куйлашга ўргатаман. Сўз, мусиқа ва овоз бирлигига эришишга чақираман. Меҳнатимиз зое кетмаяпти. Шогирдларим мамлакат миқёсида мукофотларни қўлга киритяпти. Мана яқинда ака-ука Ғаффоровлар Душанбеда “Тожикистон – менинг Ватаним” танловида бош мукофот – Шоҳжоизани олиб қайтишди.

– Янги асар яратиш ҳақида гапирдингиз. Сизни элга танитган Ватан ҳақида қўшиғингиз бор. Тожикистонда қайси бир муҳим тадбир – мамлакат ё вилоят миқёсида бўлмасин, уни, албатта, эшитамиз.

– Тўғри, менимча, ўзини ҳурмат қиладиган ҳар бир қўшиқчининг Ватан ҳақида ўз қўшиғи бўлиши шарт! Баъзан ҳатто тўйларда бу қўшиқни қайта-қайта айттиришади.

Бир куни тунда Москвадан жияним қўнғироқ қилиб қолди. Хуллас, у таксида кетаётган экан, ҳайдовчи – рус кишиси ўша Ватан ҳақидаги қўшиғимни қўйибди. Жияним “Бунинг ижрочиси менинг тоғам”, дебди. Ҳайдовчи ишонмабди. Шунда жияним менга қўнғироқ қилди. Ўша ҳайдовчи мен билан гаплашиб, илгари Душанбеда яшаганлигини, бу қўшиқни ҳар куни эшитишини, эшитганида ҳар гал бадани жимирлаб кетишини гапириб берди. Воронежда бўлганимда эса, собиқ тожикистонликлар тўпланиб келишди. Руслар, татарлар, бошқа миллат кишилари. Мен ўша Ватан ҳақидаги қўшиғимни айтганимда, ўтирганларнинг кўзида ёш кўрдим. Баъзилар баралла йиғлашарди.

– Ҳаётингизда бўлган бир воқеанинг гувоҳиман. Ўшанда машҳур бастакор, созанда Шавкат Мирзаев ва ҳозирда Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Қаҳрамони Муножот Йўлчиева Хўжандга келишган эди. Ўшанда, адашмасам, ўн тўққиз яшар йигит эдингиз. Хўжандда ўқирдингиз, Шавкат Мирзаев овозингизни эшитиб кўрмоқчи бўлдими, битта мумтоз ашула, битта замонавий қўшиқ айтиб беришингизни сўради. Кузатдим, ижроингизни Муножот Йўлчиева ҳам берилиб эшитиб ўтирди. Қўшиқ тугаганидан сўнг Шавкат Мирзаев санъатга муносабатингиз, устозларингиз ҳақида савол берди…

– Ҳа, устознинг саволларига жавоб берганимдан сўнг, пича ўйландилар-да, “Рози бўлсангиз, Тошкентга олиб кетсам, лекин у ерда бир йилгача ҳеч қаерда ашула айтмайсиз. Бир йилдан сўнг бу овозингиз билан Ўзбекистоннинг энг таниқли санъаткорларидан бирига айланасиз”, деган эди. Шундан сўнг Шавкат ака уйимга ҳам борди. Лекин… Тақдир экан, мен Тошкентга кетолмадим. Балки ўшанда оилага катта ёрдамим тегиб турганини ўйлагандирман. Оиламиз катта – акам ўқирди, укаларим жуда ёш эди. Фақат Хўжанд ва унинг атрофида эмас, Ўзбекистонга ҳам кўп тўйга борардим. Масалан, лоф эмас, Зомининг ярим аҳолисининг тўйида хизмат қилганман. Устига аям Тошкентга кетишимга розилик бермаган ўшанда.

– Сиз Тожикистонда қолиб ҳам, ҳар икки мамлакатда шуҳрат топдингиз, эътироф этилдингиз. Ҳар икки мамлакатда давлат миқёсидаги концертларда қатнашяпсиз. Ўзбекистонда бўлганингизда жадидлар, таълим масаласига катта эътибор берилаётгани ҳақида эшитганларингиз ҳақида ҳикоя қилиб бердингиз. Сизнингча, санъатда ҳам жадидлик борми?

– Бўлганда қандоқ?! Мана, масалан, жадидлар театр санъатига жуда катта эътибор беришган. Халқнинг кўзини очишда, маърифат тарқатишда театрнинг ўрни катта, деб билишган. Биз ҳофизлар ҳам ўз ашулаларимиз, қўшиқларимиз билан халқни олға, янгиликлар сари бошлаймиз, одамларни руҳлантирамиз. Масалан, биттагинасини айта қолайин: Тошкентда Ботир Зокиров номли эстрада институти ташкил этилди. Унинг бевосита ташаббускори Президент Шавкат Мирзиёев бўлди. Айни пайтда Ўзбекистонда анъанавий санъатни ривожлантириш ҳам жадал давом этмоқда, “Шашмақом”, Халқ бахшичилиги фестивалларини… Қай бирини айтасиз.

– Санъатсевар икки халқ кўнглидан жой оладиган гўзал ижролар, ажиб куй-қўшиқлар яратишдан тўхтаманг. Вақт ажратганингиз ва мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Ўринбой УСМОН
суҳбатлашди.

ГУРКИРАГАН ГУЛ



– Қирқ йил ишладим, минглаб одамни даволадим, юзлаб шогирдлар тайёрладим. Гулдан бошқа совға олган эмасман. Ҳалқумим тоза бўлгани учун ҳам ортимдан уюштирилган фитналар юзимни янада ёруғ қилаверди, – дейди унинг ўзи.

Опа нафақага чиққач, Мирзачўлда дастлаб ишлаган туман тиббиёт бирлашмасининг ички касалликлар бўлимига қайтиб, терапевтлигини давом эттирди. Тез орада мамлакатда хусусий тадбиркорлик учун очилган имкониятлар уни яна руҳлантиради. “Ибн Сино издоши” номли масъулияти чекланган жамият фаолиятини йўлга қўйиб, ишни ўзи юритди. Аввал бошида шифокорлик, ҳисобчилик, ҳатто фаррошликни ҳам ўзи бажарди.

Вилоят раҳбарларидан бирини кўпдан қийнаётган дардга биргина муолажа билан даво топгани хайрли бир ишнинг бошланишига сабаб бўлади. Шифокори сабаб даво топган бемор унга фаолиятини кенгайтириш йўлида ғоя беради. Сабоҳат опа зукко аёл эмасми, даставвал бу ғояни амалга ошириш учун мавжуд ҳуқуқий асосларни ўрганиб чиқади. Ташландиқ бинони тендерда ютгач, уни қайта таъмирлаш учун уч юз миллион сўм кредит олади. Бинони капитал таъмирлаш учун қурилиш фирмасига пулни ўтказади. Бироқ фирибгар фирмага алданиб қолади. Судма-суд югуриб, ўтказган кредит пулини қайтариб ололмайди.

Сабоҳат опа тушкунликка тушмади. Бору йўғини сарфлаб, бузиб қайта қурмоқчи бўлган хароба бинонинг у ёқ-бу ёғини эпақага келтирди, кўнгли тўлиб-тўлмай ишни бошлайверди. “Ибн Сино издоши” номли хусусий клиникасини ҳам ишга туширди. Ўн беш иш ўрни яратди. Тиббий хизматнинг деярли барча турлари бўйича мутахассисларни жамлаб, иш бошлади.

Пайариқнинг Томойрот қишлоғида туғилган қаҳрамонимиз ота-онасининг ўқимаган бўлса-да, зиёлилар каби ҳаёт кечирганини алоҳида таъкидлайди. “Отамни ишига нисбат бериб, кўпчилик “Бурҳон почтачи” дерди. Уруш кўрган отам саккиз қиз туққан онамни ўғил кўрмадик, деб кўзини ёшлатган эмас. Худо суйиб, тўққизинчи бўлиб укамиз туғилди”, дейди у.

“Бурҳон почтачи”нинг қизи илмга ташналикни отанинг қонидан, онанинг жонидан юқтирди. Мактабни олтин медаль билан, тиббиёт техникумини ҳам, институтни ҳам қизил диплом билан тугатди. Сабоҳат опа мактаб даврини эслар экан:

– Энг аълочи ўқувчилар сафида бўлганман. Аниқ фанларга қизиқишим баландлигини англаган математика муаллимимиз дам олиш кунларида мени Самарқанд давлат университетида ташкил этилган олий математика курсларига олиб борар, келажакда олима бўлишим учун астойдил раҳнамолик қиларди. Шифокорликка қизиқишим мени тиббиёт билим юртига етаклади. Умиди пучга чиққанидан хафа бўлган устозим аразлаб, Самарқанд давлат тиббиёт институтининг талабаси бўлгунимга қадар саломимга алик олмай юрди. 1978 йилда олий ўқув юртига энг юқори кириш бали билан қабул қилиндим. Мандат бўладиган куни оиламиз учун қувонч ва мусибат бирга келди. 13 яшар энг кичик синглим шу куни оғир хасталикдан вафот этди. Онамнинг қистови билан мандатга кетдим. Аслида ўқишга киришим аниқ эди. Чунки асосий фан – химиядан имтиҳонни бешга топширгандим. Отам билан онам мусибат устида ҳам мени ўйлашган, “ўқишга кирдим”, деган хурсандчиликни ҳис этишимни исташган. Кўпчилик мандатдан ўтолмадим, деб йиғласа, ҳаммани ҳайратда қолдириб мен ҳам йиғлаб чиқдим. Бир кўзимдан қувонч, бир кўзимдан алам ёшлари оқди...

Билим олишга муккасидан кетган, ҳар жабҳада қатъият билан қадам ташлаган Сабоҳат опа икки ўғил, бир қизни тарбиялади, ўқитди, уйли-жойли қилди. Қолаверса, жизахликларнинг ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий ҳаётида камарбаста. Халққа қилган хизматлари муносиб эътироф топиб, 2021 йилда I даражали “Саломатлик” ордени билан тақдирланди.

Сабоҳат Азимова билан суҳбатим юрагимга нур туширди. Жамиятнинг қаҳрамонимиз каби “ўтда ёнмас, сувда чўкмас” аёллари бор экан, ҳаёт давом этаверади. Халқ хизматидан бахт топган шифокор аёл бугун Мирзачўл кенгликларида ҳаёт аталмиш гўзал боғ барпо этиб, ўзининг ва ҳамюртларининг умрини бахту қувончга буркаётир...

Муҳайё ПИРНАФАСОВА

ҲИКОЯ

ТУРСУНБОЙНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ



Орзиқул ЭРГАШ

Қаерда бўлмай, учала отдошим ёнимда. Козлов ҳам, Табиб ҳам, Пакана ҳам. Козлов деганимиз менга ўхшаб найновгина. Нега унга Найновмас, Козлов деб лақаб қўйганимиз сабаби... мактабимизга янги жисмоний тарбия ўқитувчиси келди. Козлов деган. Шу одам келиши билан катта янгилик қилди. Волейбол майдончаси қурдирди. Ҳамма қизиқиб кетди бу янги ўйинга. Айниқса, ҳалиги найнов отдошим волейбол жиннисига айланди-қўйди-да, Козлов лақабини орттириб олди.

Яна бири ҳалиги Ачақиз табибнинг жияни. У жиянлиги учун эмас, ҳаммага ақл ўргатаверганидан Табибга айланди.

Пакана лақаби сабабига изоҳ керакмасдир. Лекин кейинги пайтлар бўйи анча чўзилиб қолди. Мактабда турникка, дала-даштда дарахтларга кўп осилди шекилли-да. Биз бўлсак буни атай сезмаганга оламиз. Пакана деб чақирамиз.

Ҳамиша, ҳамма ерда биргамиз.

Қўлимиз ишдан бўшадими, хилват Арчамозор тоғига чиқиб кетамиз. Арчамозор тепасида синфхонамиз саҳнича келадиган Силлиқ тош бор. Муқаддас тош. Уни тавоб қилиб, нима тилак қилсанг, тилагингга етасан экан. Биз тўртта-ла Турсунбой ҳам ҳар гал чиққанимизда аввал Силлиқ тошни обдон тавоб қиламиз. Биз етимлар қачон одам бўламиз, қачон қорнимиз тўқ, эгнимиз бут бўлади, деб оз-оздан йиғлаб ҳам оламиз. Кейин ўзимиз билан опкелган зоғорами, ўрик қоқими, баҳам кўрамиз. Данагу ёнғоқларни чақиб еймиз. Кейин Силлиқ тош устида ўтирганча атрофни томоша қиламиз. Пастдаги ҳамма нарса: ҳовлилар, кўчалар, далалар, ғимирлаб юрган жон борки кафтдагидай аниқ-тиниқ кўриниб туради...

Бир куни Козлов деганимиз, уни қаранглар, анови Узоқвой акани будкасими, деб қолди. Будка деганида сартарошхонани тушунамиз. Кейин Узоқвой сартарош ҳақида роса гурунг берди. Айтишича, уни “Амбарная книга” деган қалин дафтари бор эмиш. Дафтарда қишлоқда қанча одам бўлса, ҳаммасини исми-шарифи алфавит бўйича ёзиб қўйилганмиш. Масалан, Тепа маҳалла, фалон уйда, фалон-фалонлар яшайди. Ёши, касб-кори ва ҳоказо...

– Унга бу нимага керак экан? – дедим ҳайрон бўлиб. – Бор-йўғи бир сартарош бўлса...

Козлов елка қисди.

– Билмасам...

– Нега билмайсан, у НКВДни одами-ку! – деди Пакана бамайлихотир.

– НКВД? Йўғ-е, шу одам-а? – дедим ишонқирамай. – Мен уларди кўрганман. Ҳаммаси қоп-қора чарм камзулда, шапкада эди. Қарашларидан от ҳуркади. Юмшоққина Узоқвой амакинг қанақасига НКВД бўлсин...

– Ҳа, у юмшоққина бўлиб юради, – деди ошнам гапимни бўлиб. – Кўрган биттани жон-жонлаб гапиради. Жон-жонлаб жонини олади. Билмаган бўлсанг, билиб қўй: Абдулла раис ана шу касапатти касрига қамалган. Яхшиям одамлар қаттиқ туриб олишган. Эмасам, ҳалигача ётган бўларди, Худо деб.

– Йўғ-е! Қанақасига? Узоқвой ким бўптики...

– Узоқвой НКВДни одами, – деди Пакана чўрт кесиб. – У қишлоқда нима гап-сўз бўлса, юқорига етказиб туради.

Хаёлимга келган сўздан юрагим шув этиб кетди.

– Бундан чиқди...

– Худди шундай. Сизлардикига ҳам шу одамди чақуви билан боришган. “Мулла Абдумажидди уйида эскича китоблар бор. Кечалари уйига одам тўплаб, китобхонлик қилади. Одамларди онгини заҳарлаяпти”, деган.

Кўзларимга ҳам, қулоқларимга ҳам ишонмай қолгандим. Бу бола ўша ўзимизди паканами ёки...

– Менга қара... ростми шу гаплар? А, сен қаердан биласан буларни?

– Битта менмас, мана Козлов ҳам, Табиб ҳам билади.

Шерикларимга қарадим. Улар ҳам бош ирғаб тасдиқлашди.

– Унда нега?

– Ўзингди ҳам хабаринг бўлса керак деганмиз-да. Бутун қишлоқ билади-ку... – деди энди Табиб ҳам тилга кириб.

– Барибир бир нарсага тушунмаяпман... Абдуллажон раисдай бир одамни қаматган бўлса, нега ҳеч ким ҳеч нарса демайди унга?

– Ҳа, демайди, деёлмайдиям, – деди Пакана кесиб-кесиб. – Чунки, у НКВДни қулоғи. Давлатти одами!

Кўз олдимга бундан уч йил аввалги манзара келди. Болохона. Кигиз устидаги намгарчиликда ҳилвираб кетган китоблар. Китоблар азасини тутиб, ёш боладай ич-ичидан ситилиб, сим-сим йиғлаб ўтирган бобожоним... “Бобожонимни, унинг китобларини бу аҳволга солган одамларни излаб топаман. Улардан, албатта, ўчимни оламан!” дея аҳд қилгандим ўшанда.

Мана, уни топдим. Энди аҳдимди устидан чиқишим керак, ўчимни олишим керак! Лекин қандай қилиб? Абдуллажон раисдай одам ҳар дами ичида юрганида, менга йўл бўлсин. Эҳ, болаликнинг қўли қисқа бўлади, дегани рост экан-да!

Мен дўстларимга қарадим. Улар шартта ўринларидан туриб, олдимга келишди. Сабаби, кўзларим жиққа ёшга тўлган экан, ўзим сезмабман.

– Нима қиламиз? – дедим.

– Нима десанг шу! – дейишди бир овоздан. Кейин ёнимга ўтиришди.

– Будкасига ўт қўямиз! – дедим. Хаёлимга дастлаб келгани шу бўлди.

– Э, йўқ, – деди Пакана бош ирғаб. – Бўлмайди. Унинг қўли узун. Қочиб қутулолмаймиз. Жувонмарг бўп кетамиз.

Табибга жон кирди.

– Битта иш қиламиз, – деди.

Унга ялт этиб қарадик.

– Қовун ўғирлаймиз.

– Нима!!! – дедик бараварига.

– Қаранглар, – деди у баланд-баланд тол, тераклар оралаб оқиб ётган Саноч сойни кўрсатиб. – Ҳув ўша чеккадаги полиздан ўғирлаймиз.

– Эй, одамга ўхшаб гапир, – деди Козлов тоқати тугаб. – Нима бало, алаҳсираяпсанми? Биз Узоқвой ҳақида гапиряпмиз.

– Мен нима деяпман!

– Сен кўрсатган жой Ўсканбойники-ку!

– Билмасанг, билиб қўй. Ўша Ўсканбойинг Узоқвой билан шерикликда деҳқончилик қилади.

– Ўйлаб кўриш керак, – деди Пакана секин ўрнидан туриб. Бир-икки у ёққа, бу ёққа бориб келди-да, қайтиб ўтирди. – Бу ишимиз билан бечора Ўсканбойга зиёнимиз тегиб қолмасин.

– Тегсин-да, – деди Табиб қатъий қилиб. – Узоқвой билан ошнами, демак уям қулоқлардан. Улар бекорга шерикчилик қилишмайди.

Бу гап жўяли туюлиб, ҳаммамиз жим қолдик. Табиб давом этди.

– Бу кеча разведка қиламиз. Аҳволни ўрганамиз. Кейин жиддий ишга ўтамиз...

* * *

Ярим кеча.

Ой чиққан.

Атроф сув қуйгандек жим-жит.

Тўрт оғайни тизилишиб полиз чеккалаб боряпмиз. Гўё хотиржамдаймизу, барибир ичимизда озгина ҳадик бор. Ичимиздаги ташимизга чиқмайди. Ташимизга чиқса бўлди, тўрт ҳадик бирлашиб, бизди қўрқоққа айлантириб қўяди. Ва мана бундай бемалол, бехавотир эмас, худди ўғри мушукка ўхшаб пусиб юрамиз кейин. Биз буни истамаймиз. Чунки мақсадимиз ўғрилик эмас-да. Мақсадимиз – ановиларди андак ҳуркитиб қўйиш. Қачонгача улардан қўрқишимиз керак. Қачонгача чақимчи, сотқиннинг ошиғи олчи бўлиши керак. Мулла бобомнинг кимга ёмонлиги бор эди. Айби китобхонлигими? Одамларди китобга қизиқтирганими? Замоннинг айнигани шу-да!

Хуллас, бир ерларда тўхтаб полиз ораладик. Йўл-йўлакай ҳар биримиз биттадан тарвузни палагидан узиб олдик. Қамиш-қиёқлар қалин ўсган бир ерда ўтириб, тарвузларимизни тарс-турс ёриб, чала-чулпа еб ташладик. Пичир-пичир қилиб, эртанги ишимиз режасини қилдик. Кейин биттадан қовун кўтариб, йўлга тушдик.

Атроф жим-жит, хавотирли бир нарса сезилмасди...

* * *

Шом маҳали.

Арчамозордаги Силлиқ тош ёнидамиз.

Энди тўрттамас, ўн битта ўғлонмиз. Табибнинг хабар етказишича, капа яқинида бир аравача келадиган тарвуз-қовун юб қўйилган экан. Демак, ишимиз осонлашибди. Полиз оралаб юрмаймиз.

Силлиқ тош устида тун ярмига қадар гурунглашиб вақтни ўтказдик. Кейин режа бўйича ишга киришдик.

Ҳаммамиз ярим яланғоч, чирмандани такиллатиб, тошфонарни биланглатиб, ўйинга тушиб, қий-чув билан пастга эна бошладик...

Энди бир тасаввур қип кўринг: тун ярмида, тоғ бошида туйқусдан чирманда такиллаб қолсин. Алланенинг биланглаган ёруғида шир яланғоч жинваччалар рақси бошланиб кетсин. Боз устига чирманда такиллашию жазавали қий-чувларга тоғу тошлар акс садо бериб турсин... Жинваччаларнинг жилпанглаган сояси чор атрофни қоплаб олсин... Яна денг, “жинлар рақси” шитоб билан пастликка эниб, устингга бостириб келаверсин...

Манаман деганнинг ҳам юраги увишадими, увишади. Бир ҳадигига ўн ҳадик қўшилиб, жуфтагини ростлаб қоладими, ростлаб қолади...

Алқисса, чирмандани такиллатиб, тошфонарни биланглатиб, қий-чув кўтариб, пастга тушиб боряпмиз. Тўғри Ўсканбойнинг капасини мўлжалга олганмиз.

Капага етиб келдик ҳамки, жон зоти кўриниш бермади. Ким жонидан тўйганки, жинлар қаршисига чиқса...

Болалар чилдирмани, қий-чувни тўхтатмай, рақсга тушаверди, биз Козлов иккимиз, капа ичига мўраладик. Жуфтакни ростлаб қолишибди. Вақтни ўтказмай, ишга киришдик. Бозорга деб уюб қўйилган бир арава қовун-тарвузни битта қолдирмай Саноч сойга оқиздик. Этакда, қишлоққа яқин ерда шерикларимиз кутиб турарди, албатта.

* * *

Эртасига қулоқ тутиб юрдим. Қишлоқда “жинлар рақси” ҳақида гап-сўз бўлмади. Менимча, Ўсканбой чув тушганини сезса ҳам, бировга чурқ этмаган. Кулгига қолишдан қўрққан. Биз ҳам уни анчагача безовта қилмадик. Орқасини совутмоқчи бўлдик-да.

Бир ҳафталар ўтавердики, “ўғриликди хумори” тута бошлади. Тўрт оғайни тун ярмида яна йўлга чиқдик.

Полиз ёқалаб боряпмиз. Бир ерларга бордик-да, атрофга қараб олиб, секин ичкарига қадам босдик. Лекин бу сафар бирор палак устида тўхтаб эгилишга улгурмадик. Капа тарафдан ҳуштак эшитилди. Турган еримизда тек қотдик.

– Ҳў, йигитлар, – деган овоз келди ҳуштак кетидан.

“Уҳ, Сотволди ака! – дарҳол танидим мен овоз эгасини. – Ўлдик!”

– Козлов, қочдик, – дедим овозим қалтираб.

– Нима дединг?

– Ўсканмас... Сотволди ака, кетдик, тез бўл!

Зув-зув югуриб сой бўйига чиқиб олдик. Орқамиздан новча Сотволди ака зипиллаб келяпти.

Катта сада деган жой бор. Шунга етганда тўртовимиз уч тарафга – биттамиз Ўнғортоққа, иккитамиз чапга – Қапчиғайга, мен тўғрига Подай қишлоққа қараб йўл солдик.

Бундай қарасам, Сотволди чопқир менинг кетимдан тушган. Қишлоқ чеккасига етдим, ўзимни ичкарига урайинми, айланиб ўтайинми, деб турганимда Сотволди ака бақирди.

– Ҳў, Адашвой акамди ўғли, сен болани бунақа чопқирлигингди билмас эканман. Бўлди, тан бердим, – деди. Орамиз икки юз қадамча. – Қайтдик, бўлди, синовдан ўтдинг! – Шундай дедию орқа ўгириб кета бошлади.

Оралиқ масофани сақлаб, қўрқа-писа унга эргашдим. Сафед Булонга яқинлашганда икки тарафга қочган жўраларим кетма-кет ҳуштак чалишди. Келаверинглар, дегандай ҳуштак билан ишора бердим. Сотволди ака қишлоқ этагида кутиб турди. Ундан олисроқда тўхтадик.

– Ие, буларинг ҳам Турсунбой-ку, – деди Сотволди ака турган еридан. – Топдимми? Биттаси Икромов Турсунбой, наригиси Бўрибоев, яна биринг Турғунбойди ўғлисан, тўғрими? Бу уччовиниям акаси менга жўра бўлади. Сени тоғанг ҳам жўрам, яқин жўрам. Энди Ўсканбой акани қийнаманглар, хўпми, эрталаб капага ўтинглар.

Кейин кетди полизга қараб. Ўртоқларим ёнимга келишди.

– Етиб олмадими? – деди Пакана.

– Э, қаёқда! Етказмадим!

– Боплабсан. Нима деди? – дея сўради Козлов.

– Чопқир экансан, билмабман, деди.

– Яна нима деди?

– Эрталаб полиз капага келинглар, деди.

– Э, бормаймиз, уради... – деди Табиб. Орамизда у сал юраксизроқ.

– Йўқ, номардлик қилмайди, борамиз, – деди Пакана.

Эрталаб тўрт оғайни полиз капага етиб келганимизда икки қария, бири Ўсканбой амаки, чой ичиб, Сотволди ака катта бир қовунни сўйиб, тиликлаб турган экан. Мени кўриши билан ўтирган ерида қаддини ростлади-да:

– Ана, йигитди хўрози келди, – деди баланд овозда. – Адашвой акамди ўғли. Шунча кетидан югурдим, етолмадим. Мановилари икки тарафга қараб тирқираб кетди... Қани, ўтиринглар, азаматлар.

Секин Ўсканбой амакига разм солдим. Лаб-даҳанига учуқ тошиб кетибди. Бизга қарагиси ҳам келмайди.

– Энди Ўсканбой ака, буларди кечиринг. Болалик қип қўйишибти. Ҳаммамиз ҳам бола бўлганмиз. Мана ўзингиз, а, бошқалар билмаса ҳам мен биламан-ку. Энди... ўтган ишга салавот. Хўп, кечирдингиз-а. Айтинг, кечирдим денг.

Ўсканбой кечирдим, деб айтмади-ю, барибир шу маънода бош ирғаб қўйди.

– Ҳа, яшанг! Қани энди, қовунга қаранглар. Ўскан ака, бошлаб беринг.

Ўсканбой амаки шеригига қаради. Шериги қовунга қўл чўзди. Улар учта, биз тўртовлон қовун ейишга тушдик...

Битта қовун етти кишидан ҳам ортди. Бизга қолганда-ку, ортмасди-я, ўзимизни тийдик-да.

Бировимиз қумғонда сув, бировимиз сочиқ келтириб, биримиз чолларнинг қўлига сув қуйдик. Сотволди ака қўлини чайиб, артинди-да, э, баракалла, дея жойига қайтиб ўтирди. Кейин:

– Қани оқсоқол, энди бир дуо қилинг, – деди Ўсканбойнинг шеригига. – Булар билан бир гаплашиб олай...

“Оббо, – дедим мен хавотирда. – Энди роса додимизни берса керак!”

Қариялар кетишди. Сотволди ака кападан чиқиб, тўртта қовун кўтариб кирди-да, биттадан ёнимизга қўйиб чиқди. Индамай бош эгиб ўтиравердик.

– Мана кўрдиларинг, – деди у бир томоқ қириб олиб. – Ҳолимиз шу экан, еттовлашиб ҳам битта қовунни еб битирмадик. Лекин... – у бирпас жим қолиб, ҳар биримизга бир-бир қараб чиқди. – Кўзимиз оч. Чанқовбосдига бир пиёла сув кифоя, бир коса ичимиз келади. Сизларди унақа нафси бежилов демайман. Ҳавасга тушгансизлар, топдимми? Ўзимам бир замонлар... ҳа, майли, ёшликда бўлади. Лекин ҳавасди ҳунарга айланиб қолиши чатоқ. Адашвой акамди ўғли, чопқир экансан. Тан бердим. Адашларинг ҳам чакки эмас, а, тўғрими? – Ерга кўз тикиб ўтирганча, бош ирғадим. – Ҳа, яшанглар. Энди бу ёғига ишди билиб қилинглар, жиянларим, уятга қолиб юрманглар тағин. Худо кўрсатмасин, бу гаплар тоғангди, мулла бобонгди қулоғига етиб қолса, нима деган одам бўласан... Бўпти, боринглар.

Осон қутулганимиздан енгил тортдигу, барибир кўнглимизда бир ғашлик қолди. Бу одам нима деб ўйлади экан. Ахир биз ўғриликка тушмагандик-ку. Мақсадимиз бошқа эди-ку! Лекин буни унга қандай тушунтирамиз.



Орзиқул ЭРГАШ – 1953 йили Самарқанд вилоятида туғилган. Адибнинг “Тўй”, “Дунёнинг бир чеккаси”, “Болалигим кўчаларида”, “Шоҳсанам”, “Дархон қиссалари”, “Қалб гавҳари”, “Юлдузсиз осмон”, “Танланган асарлар” каби насрий китоблари нашр этилган.

У 1999 йили “Дўстлик”, 2023 йили “Меҳнат шуҳрати” орденлари билан тақдирланган.

ШЕЪРИЯТ



Шаҳриёр ШАВКАТ – Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳрида туғилган. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида таҳсил олган. “Руҳим қушлари”, “Ҳам” номли китоблари нашр этилган. Ҳозирда “Маҳалла” телеканалида катта муҳаррир вазифасида фаолият олиб бормоқда.

Шаҳриёр ШАВКАТ

Ҳайрат босиб келар баландроқ

ЛАҲЗА

Сен гуллар расмини чизарсан:
Япроқлару яшил гиламлар.
Бармоғингни бир ўпмоқ учун
Навбат кутар рангли қаламлар.

Мен челак расмини чизарман,
Биласан-ку, бор ҳунарим шу.
Мен челак расмини чизарман
Келтиргани гулларингга сув...

***

“Мен бошқани севаман, кечир,
У ҳам гўзал, бамисли Лайли,
Гар алдасам, лабини тишлаб,
Қовоғини уйиб қарайди!”

Бу сўзимдан қўрқиб кетди қиз,
Шарт қаради кўзлари кўзгу.
“У ким?” деди,
Лабини тишлаб,
Қовоғини уйиб олиб у!

***

Чиқиб кетгинг келмайди тундан,
Оромингга қуйилса ғулғул.
Ғуроб томиб турса узумдан,
Ёнгинангда куйласа булбул.

Пешайвонда қатиқ тўрва ҳам
Сатилга ёш йўллайди – зардоб.
Ҳаётидан мамнунми карам,
Ичгани нур, кийгани зарбоф?!

Рубоийлар ёқиб ичингни,
Юрагингни шаршара қилса,
Қурбақалар ёлғизлигингни
Томоғида ғарғара қилса...

Шовулласа дарё жунунваш,
Ёшлигини қўмсаб ётса тол.
Томоғингни ўланга ўхшаш
Алангалар чулғаса алҳол...

Чиқиб кетгинг келмайди тундан!
Ҳайрат босиб келар баландроқ.

Чиқиб кетгинг келмайди чиндан,
Эвоҳ, бунинг чораси қандоқ?!

***

Киприкларинг оғирлашди жим,
Кўтармоққа етмади кучинг.
Юзларингга ботди нигоҳим,
Шунда пайдо бўлди кулгичинг…

Шабнам каби нурга тўйинган,
Юрак зарбим билан ҳамоҳанг,
Битта-битта бармоқларингдан
Томчилади елкамга оҳанг!

Шарҳу шакли нимадир кузнинг,
Ноябрда гуллади очун.
Шивирладим, масъума қизнинг
Руҳи бўйлаб югурди афсун.

Эй, телбалик ичра топганим,
Эй, кўнглида ожиза журъат.
Худо берган ҳисни тотгани
Одамлардан сўрама рухсат!

Ўз эркимни этгани таққир,
Ўзинг айт-чи, биров ҳақлими?
Кулгичингдан олганман ахир,
Сенинг бахтинг бўлиш бахтини!

КЕЗИБ...

Шамдек милтиллайди кўзларинг...
Нафасим
ўчириб қўймасайди дейман!
Тонгги ёмғирдайин шивирлаб
сочларингга шеърлар ўқийман.

Ғамгин бедазорлар шалаббо...
Қушлар қучоқлашиб панада
қайнатур тумшуқда мураббо –
суҳбат ширинлашур янада...

Кездим.
Этигимдан ўтмади
майсаларга тўкилган изҳор.

Барра бедаларни туш кўриб
юрган
юрагим бир тўйиб ўтлади!
Энди у пишқириб-пишқириб
кутар кўпкарини интизор...

Тағин
шамдек милтиллайди кўзларинг
шундоқ юрагимнинг ёнида...

Аммо...
Шаштим мақсадимга муносиб,
ачинмасман бахтимга асло,
бир жуфт шамни бағримга босиб
яшаб ўтсам ёмғирлар аро...


25 ОКТЯБРЬ – ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

ОЛИС ВА ЯҚИН ХОТИРАЛАР



Эшқобил ШУКУР,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Бундан 47 йил муқаддам, 9-синфда ўқиб юрган кезларимда, Шаҳрисабзда адабиёт фани бўйича олимпиадада илк марта Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров билан учрашганман. Олимпиаданинг охирги кунларида Пиримқул ака машҳур олим Матёқуб Қўшжонов билан бирга Шаҳрисабзга келди. Ўзбек адабиётининг бу икки дарғаси билан бўлган учрашув орзулар осмонида учиб юрган биз ўқувчиларга қизғин ҳаяжонлар бағишлаган эди. Учрашувдан сўнг адиб илғор ўқувчилар билан алоҳида гаплашди. Улар орасида мен ҳам бор эдим. Пиримқул акага маъқул келдим шекилли, менга уй манзилини бериб: "Менга хат ёзиб туринг, шеърларингизни юборинг", деди. Шундай катта ёзувчининг бир ўқувчи болани сизлаб гапириши ва мулоқотга ундаши мени ҳайрон қолдирган. Бу эътиборнинг ўзи уч-тўртта хом машқлари ҳавосида масрур юрган ғўргина бола учун катта байрам эди. Сўнг олимпиада тугаб, ўқувчилар уй-уйига – капа тўйига тарқалишди.



Пиримқул Қодиров шогирди Тўлқин Эшбек билан.

Кейинроқ... Сурхондарёнинг чеккадан-чекка бир қишлоғи Боймоқлига, "тўғри келган нарсани шеър деб куйлаб", қоғоз қоралаб юрган бир ўсмирга кимсан Ўзбекистоннинг улкан адиби Пиримқул Қодировдан бир неча марта хатлар борган. Шундай машҳур ёзувчининг бир мактаб боласи учун вақт ажратиб хат ёзиши, йўл-йўриқ кўрсатиб, машқларига фикр билдириши катта гап эди. Бундай меҳр ва самимият ҳар кимнинг ҳам ҳадди эмас. Баъзан мен ҳозирги ёшимда чеккa бир қишлоқдаги бирор бўз болага шундай ҳиммат ва рағбат кўрсата оламанми, деб ўзимга савол бериб кўраман ва жавобда иккиланиб қоламан. Бу хатлар менга қанот берган. Уларни сақлаб қололмаганимга мудом ачинаман. Улар менга қадрдон эди. Гарчи йиллар шамоли хатларни қайлагадир қушлардай учириб кетган бўлса-да, улар қалбимга муҳрланган.

Менга Пиримқул аканинг кўп яхшиликлари ўтган. Мактабни битирган йилим мамлакатнинг энг нуфузли журнали "Гулистон"да шеърларим чиқди. Мен "Гулистон" журналининг манзилини ҳам билмас эдим. Таҳририятга шеър юборганим ҳам йўқ эди. Бу мен учун кутилмаган ҳаяжонли воқеа бўлди. У пайтлар "Гулистон"да чиқиш дегани катта йўл учун фатводай гап эди. Чунки бу журналнинг бошида аср донишманди Асқад Мухтор турарди. Кейин билсам, Пиримқул Қодиров Асқад Мухторга менинг машқларимни тавсия қилган экан.

Тошкентга ўқишга келганимдан сўнг Пиримқул аканинг кўп гурунгларини олганман. Жуда маданиятли, бағрикенг, доимо фикри-зикри ёзаётган асари билан банд бўладиган заҳматкаш бир инсон эди. Ҳамма нарсани теран нигоҳ билан кузатарди. Бир куни Пиримқул аканинг Асқад Мухторга қўшни уйида ўтирганимизда, у киши менга ўша кунлари ёзаётган янги асарининг қўлёзмасини кўрсатди. Қўлёзмани кўздан кечира туриб, бир нарсадан ажабланганман. Бир варақ оқ қоғозда бор-йўғи 8 ё 9 қатор ёзув ёзилган, ҳар бир қатор ораси 3-4 сантиметр очиқ қолдирилган. Аслида қўлёзмада бир саҳифага 30 қаторгача ёзувни сиғдирса бўлади. Лекин бу қўлёзманинг ҳамма саҳифаларидаги очиқ жойлар деҳқоннинг экин экилмай қолган еридай бўш ётарди. Кўнглимдан "Пиримқул ака қоғозни роса исроф қилар экан-да", деган ўй ўтди. Кузатувчан, фаросатли одам эмасми, дарров дилимдагини фаҳмлади. "Мен атайлаб қатор орасини очиқ қолдираман, – деди у қўлёзмага қўли билан ишора қилиб. – Бунинг боиси ёзганларимни кейин қайта ишлаётганда варақдаги очиқ жойлар менга жуда асқотади. Таҳрирталаб жойларини ўзгартираман, сўзлар ва жумлалар устида ишлаганимда қоғозда бўш жой кўп керак бўлади. Шунинг учун шундай ёзаман. Баъзида бир қўлёзмани ўн марталаб қайта ишлашга тўғри келади". Сўнг Пиримқул ака жавондан эски бир қўлёзмасини олиб кўрсатди. Ҳақиқатан, бутун бошли саҳифада бир сантиметр ҳам очиқ жой йўқ эди. Ўчирилган, чизилган, қайта ёзилган, сўзлар бўяб ташланган, бошқа сўзлар қўшилган, худди асалари уясидай миллиметрларгача ҳисобда. Мен заҳматкаш, фидойи адибнинг қўлёзмаси билан юзма-юз турардим. Бу мен учун улуғ муссаввирнинг тасвирий асарини томоша қилишдай завқли эди. Шунда мен Пиримқул аканинг қандай меҳнат қилишини ҳис қилганман. Бир сўз билан айтганда, Миртемир домла "назм деҳқони" деб таърифланганидай, Пиримқул ака наср деҳқони эди.

Адибларнинг қўлёзмалари кўп кечинмаларга гувоҳлик беради. Уларнинг ишлаш низомини, ижодий салоҳиятини, сўзга муносабатини, бадиий дидини, фаросатини кўрсатиб туради. Қўлёзма инсон ички қиёфасининг ойнаси кабидир. Лекин афсуски, биз қўлёзмалар йўқоладиган асрда яшаяпмиз. Кейинги асрда қўлёзмалар бўлмайди. Ҳатто имзолар сақланиб қолиши ҳам даргумон. Бу эса бани башарнинг катта йўқотишларидан яна бири бўлиши тайин.

Бир гал Пиримқул аканинг уйига борганимда, у кишини қаттиқ хафа ҳолда кўрдим. Жуда маданиятли, вазмин, сабрли, ҳар нарсага маърифат кўзи билан қарайдиган бу дониш адиб одатда ранжини бировга сездирмас эди. Унинг теран нигоҳли катта-катта кўзларини мунг қоплаган. Ҳамма нарсани ичига ютадиган тоғдай оғир бу одам портлаш олдида турарди. Унинг атрофида кечаётган суронлардан хабарим борлиги учун не деримни билмай турганимда, бирдан ўзи ёрилиб қолди: "Мен Бобурни нотўғри улуғлаган эмишман. У император, ёвуз подшо эмиш. Мен Бобурни идеаллаштирган эмишман. Подшолар ҳақида бундай асарлар ёзиш мумкин эмас эмиш."

Ўшанда "Юлдузли тунлар" романи аёвсиз танқиду таъқибга учраган, шахсан Марказқўмнинг идеология котиби ғазаб отига миниб, мамлакат бўйлаб чанг-тўзон кўтарган, қизил минбарларда пишқириб Бобур Мирзога қарши қилич яланғочлаб чиққан кунлар эди. Аслида Бобурнинг битта нигоҳи қаршисида етти букилиб қоладиган бундай кимсалар беш юз йил аввал хоинлар хиёнати билан ватандан кетишга мажбур бўлган бобомизнинг номини энди китоблардан, матбуот саҳифаларидан, телевизор экранларидан, янаям аниқроғи, миллат хотирасидан ўчиришга бел боғлаган эди. Ўн йиллик жуда машаққатли меҳнатнинг самараси бўлган "Юлдузли тунлар" романи бу сиёсий фитнанинг марказига тушиб қолганди.

Мен ўшанда Пиримқул аканинг аҳволини тушунганман. У ўзини ҳақоратланган-дай, хўрлангандай ҳис қиларди. Шундай катта хизматни қилган одам туҳматга қолиб ўтирарди. Ҳолбуки, Ойбек домла "Навоий" романи билан Алишер Навоий сиймосини қандай порлатган бўлса, Пиримқул Қодиров "Юлдузли тунлар" романи билан буюк Бобур сиймосини шундай порлатди. Ҳукмрон салтанат учун бундай улуғ сиймоларнинг зиёси қайсидир хандақларда кўмилиб кетиши муҳим эди. Лекин бу таъқиб-бу тазйиқлар қанчалик хатарли бўлмасин, роман халқ қалбидан жой олиб бўлганди. Энди уни йўқотиш ўртоқ Бойкенжаевнинг "аралаш қабристони"ни очишдай жўн эмасди. Ўша вақтларда "Юлдузли тунлар" асарига қилинган зулмга нисбатан буюк адиб Чингиз Айтматов ўз муносабатини билдириб чиқди ва ёзувчи меҳнатини ҳимоя қилди.

Пиримқул Қодиров "Юлдузли тунлар", "Авлодлар довони", "Қора кўзлар", "Олмос камар" каби романлар, қатор қисса ва ҳикоялар ёзиб миллий адабиётимиз хазинасига улкан ҳисса қўшиш билан бирга мустақилликнинг дастлабки кунларидан "Лаббай" деб юрт хизматини зиммасига олган фидойи адиблардан биридир. У Олий Мажлисда мамлакат келажагига дахлдор муҳим қонунларнинг қабул қилинишида, Ўзбекистон байроғи лойиҳасини ишлашда, Конституция, давлат тили билан боғлиқ масалалар ва бошқа жараёнларда фаол қатнашган. Пиримқул Қодировнинг ижтимоий фаоллигининг ўзи алоҳида ўрганилиши лозим бўлган мавзу.

Пиримқул Қодиров ҳақида гап кетганда, ўзим иштирокчи бўлган яна бир воқеа борки, уни айтиб ўтишни қарзим деб биламан. Бу воқеа Пиримқул аканинг инсон сифатидаги ёрқин жиҳатини, самимияти ва меҳр-оқибатини намоён қилади.

Тошкентга оилам билан эндигина кўчиб келган пайтимиз эди. Бир фарзандимиз бор. Турар жойимизнинг тайини йўқ. Адашган қушлардай у шохдан бу шохга учиб-қўниб юрган кезларимиз. Энди ишга кирган вақтларим. Ўша даврнинг 100 сўмча маоши ойнинг ярмидан ўтмай, адо бўлади. Декабрнинг охирлари эди. Девори сувоқ қилинмаган, деразасининг бир кўзига ойна қўйилган бўлса, бир кўзига картон қоғоз қоқилган, куни темир печкага қолган, битмаган уйда яшаймиз. Буёғи янги йил байрамига жуда яқин қолган. Ҳамма уйларда байрам тайёргарлиги авжида. Шундай кунларнинг бирида Пиримқул ака мени уйига чақирди. У ёқ-бу ёқдан гурунглашганимиздан сўнг, у киши менга чек ёзиб берди. "Навоий-30"га бориб, омонат кассага учрайсиз, шу чекни кўрсатасиз?" Мен Пиримқул акага "Йўқ, қўйинг ака", дегандай савол аломати билан қараб турардим. У киши буни ҳам дарров сезди. "Бу сизларга, келинга, ўғлингизга биздан байрам совғаси. Янги йилни яхшилаб кутиб олинглар", деди. Мен ўша куни "Навоий-30"даги омонат кассадан 120 сўм пул олдим. Сўнг тўғри Марказий универмагга бориб, 67 сўмга кўкимтир рангдаги, нимчали костюм-шим сотиб олдим. Бу костюм-шимни "Пиримқул акам оберган костюм", деб мақтаниб, узоқ вақт кийиб юрдим. Қолган пулга баракали бозор қилиб, оилам билан янги йилни кутиб олганмиз. Бу байрам оиламиз ҳаётидаги ажойиб байрамлардан бири бўлган.

ОЙДИНЛАР

ЭЛБЕК – ЎЗБЕК ТИЛИ ЖОНКУЯРИ

XX аср бошларида барча соҳаларда катта ислоҳотларга бел боғлаган жадидлар ўзбек тилини ривожлантириш ва имло қоидаларини яратиш борасида ҳам тизимли ишларни амалга оширди. Бунда шоир, публицист, педагог ва ёзувчи сифатида танилган Машриқ Юнусов (Элбек)нинг жонбозлигини ҳам алоҳида айтиб ўтиш зарур. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори Шоира Бобомуродованинг айни масаладаги тадқиқотларини, ўша давр матбуотида тинимсиз чоп этилган тилшуносликка оид мақолаларни ўқир эканмиз, Элбекнинг нақадар жонкуяр тилшунос бўлганига гувоҳ бўламиз.



Элбек тилшуносликдаги фаолиятини "Чиғатой гурунги" тўгарагида халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаб, уларнинг тил хусусиятларини ўрганиш билан бошлаган бўлса, кейинчалик луғат ва атамалар устидаги изланишлари давомида бу соҳага чуқурроқ кириб боради. 1934-1935 йилларда "Ўзбекча шаклдош сўзлар луғати", "Ўзбекча маънодош сўзлар луғати" ҳамда "Ўзбек тўла сўзлигига материаллар" номли халқ достонлари тилига оид луғатларни тузиб, нашрга тайёрлади. Бироқ 30-йиллардан бошлаб ўзбек зиёлиларига қарши бошланган тазйиқлар уларнинг фаолиятини бўға бошлади, ҳаттоки айрим нашрга тайёрлаб қўйилган (масалан, Элбекнинг "Маънодош сўзлар луғати" каби) асарларини турли мафкуравий айблар билан чоп этилишига йўл қўйилмади. Ана шундай сабаблар туфайли Ўзбекистон Тил ва адабиёт илмий текшириш институтига катта мақсадлар билан ишга кирган Элбек етти ой ичида уни тарк этишга мажбур бўлади. Аммо тил билан боғлиқ бирорта масала йўққи, ўша даврда Элбекнинг назаридан четда қолган бўлса. У тил билан боғлиқ жараён хусусида матбуотда мунтазам чиқишлар қилиб, ўз муносабатини билдириб боради.

Имло масаласини соҳанинг асосий оғриқларидан бири деб ҳисоблаган Элбек тилимизга мос имло бўлиши кечиктириб бўлмас зарурат эканини қайта-қайта таъкидлашдан чарчамайди. Бизнинг имломиз шундай имло бўлсинки, фақат ўзбек тилига хос ва ўзимизга мос бўлсин. Биз ўзга тилларнинг алифбосини олиб, уларга мослашмайлик, балки уларни ўзимизга мослаштирайлик. Ана шундай мақсад билан жадидлар янги алифбо устида иш олиб боради. Шу орқали тилимизни ажнабий сўзлардан тозалашни ҳам мақсад қилади. Бунга қандай эришиш мумкин? Элбек шундай тушунтиради: *"Биз ўзбек тилининг бойлиғига ишонамиз. Шунинг билан унутилғон сўзларни-да топмоққа тиришамиз. Топилғон сўзларимизни ўз негизига солиб, ёзаверамиз. Қачонким, бир сўзнинг туркийчаси топилмас экан, они ўз сўзимиз топилғонча тутқун этиб, ўз йўсунимиз остида сақлаймиз. Ўзимизники топилғоч, они орадан йўқотамиз. Бу иш ҳозирда қулай бўлмаса-да, тез пайтда қулай бўлмоғи аниқдур. 3-4 келмишак ёт сўзлар ўзбек тилининг ўйин иқитмоқ ёхуд ёт сўзларни силаб, они ўз ҳолида қолдирмоқ яна айтаман ярашмайдур. Тутқан йўсунимизга тескари бўлғон сўзларни бутунлай орадан чиқармоқ керак".* **("Имло масаласи" "Иштирокиюн", 1920 йил, 7 октябрь).**

Тилни сақлаш ва унинг қатъий қоидаларини ишлаб чиқишга киришган зиёлилар "Имло ва тил қурултойи"ни чақиришади. Қурултойда жуда кўп масалалар ҳал бўлади. Ўзбек тили ва ёзуви борасида тортишувли бўлса-да, қарорлар қабул қилинади. Бундан қаттиқ таъсирланган Элбек "Қизил байроқ" газетасининг 1921 йил 13 январь сонида шундай ёзади: *"Бу кун ўзбек эли чиндан ўзин қутқарди ва унинг эркли яшамоғига кенг бир йўл очди. Бир улуснинг дунёда борлиққа чиқара турғон нарсаси шубҳасиз унинг миллий нарсалари ва тили бўлғисидур: Миллий нарсаси йўқ бир эл тотли бир турмуш билан яшаёлмағонлиғи каби тилин йўқотқон бир элда ўзун йўқотқон бўлур. Буни тушунган бир эл, албатта, миллий нарсаларни қўлдан бермай сақлағон каби ўз тилини-да унутмасликка тиришар: мана бу йўл эса у миллатнинг тирилиши учун катта кенг бир йўлдир".*

Бу даврда жадидлар асосий ғояларини, фикрларини матбуотнинг кучи орқали халққа етказишга уринишади. Шу боис ҳам тил ислоҳотини ҳам аввало, газета ва журналлардан бошлаш кераклиги таъкидланади. Вақтли матбуот нашрларида чиққан хатоликлар, ғализликлар аёвсиз танқид қилинади. Элбек ҳам бир нечта мақолаларида матбуотда йўл қўйилган имловий ва услубий хатоларга очиқча муносабат билдириб, муҳаррирларини огоҳликка чақиради. "Туркистон" газетасида "Тилимиздаги ёнглишлиқлар" сарлавҳаси остида бир туркум мақолалар эълон қилади. Уларнинг ҳар бирида сўз ва қўшимчаларни қўллашдаги хатоликлар ҳамда уларни тўғри ишлатиш қоидалари бериб борилади.

Шунингдек, ушбу туркум остида "ила" ва "билан" сўзларининг фарқи, "-лик" ва "-ли" қўшимчаларининг тўғри қўлланиши, "бек" ва "берк" сўзларининг ишлатилиши каби масалалар қаламга олинади. Элбекнинг фикрича, сўзни қандай эшитилса, шундай ёзиш ярамайди. Уни тил қоидаларига мослаб, адабий тил меъёрларига солиш лозим. Бу борада тилшуносларнинг саъй-ҳаракати керак бўлади. Мутахассислар ўзлари бир қарорга келиб олмас экан, тилимизни бир тизимга солиш имконсиз. Айрим сўзларнинг ёзилиши ўша даврда ҳам катта муҳокамаларга сабаб бўлган. Бунга турли шевалардаги кишиларнинг сўзларни турлича талаффуз қилиши сабаб бўлган. Элбек бундай тилшуносларга қарши туриб, шундай ёзади: *"Букун бошқа ёқларни унча билмасам-да, Тошкентнинг ўзидаги тилчиларнинг тилнинг хусусиятига қарашлари турличадир. Жумладан, шундай тилчилардан бир қанчалари эшитилганча ёзмоқ бўлиб, ўзларича ёнглиш бир йўлға кириб кетганликларини ҳам сезмай қолмоқда. Масалан "қоттиқ" каби қолин уст билан ёзилғучилар тўғрисида улар Тошкентнинг шеваси билан ўлчаб "қаттиқ", ярим шаклида ёзмоқни олдин сурадилар. Уларнинг бу фикрларига "буюртма профессурларимиз-да оралашмасдан қолмайдирлар. Улар ҳам бу тўғрида улуғ бир нарса "кашф" эткан кишилардай ховриқиб турли ёққа чопишмоқдалар. Мен билмайман, бу қандай сўз экан, ўзларича "ташкентский диалект" дейишиб қичқирмоқдалар."*

Бу даврда тил ва имло баҳслари жуда қизғин тус олади. Газета ва журналларда тинимсиз мақолалар, луғатлар, атамалар чоп этилади. Бир-бирини кескин танқид остига олиш, хатоларни кўрсатиш, имлони тўғрилаш билан боғлиқ чиқишлар кўпаяди. Элбек "Тил, атама, имло баҳслари" туркуми остида ҳам бир қатор мақолалар эълон қилади. Адабий тилни яратиш борасида кўпдан кўп таклифлар беради. Бундай баҳслар, таклифлар ўз натижасини бермасдан қолмади, албатта. Бир тизимга солинмаган тилимиз маълум қолипларга кирди, соф ўзбек адабий тили шаклланди. Газета ва журналларда хатолар камайди. Ҳозирги ўзбек адабий тилимиз шаклланишида ҳам айнан жадидлар давридаги ислоҳотлар, баҳсу мунозаралар, тадқиқотлар асос бўлди десак, асло хато бўлмайди.

Бекзод ИБРАГИМОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети мустақил тадқиқотчиси

2024-yil 25-oktyabr
№ 44(44)

ЖАДИДЛАРНИНГ ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Шунингдек, “Жадидларнинг давлат-ҳуқуқий қарашлари”, “Туркистон, Бухоро ва Хива жадидларининг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари” монографиялари, “Жадидлар томонидан ишлатилган давлат-ҳуқуқий атамалар терминологияси” луғати, “Миллат қайғуси” шеърлар тўплами, халқаро ва маҳаллий илмий журналларда ўнлаб илмий мақолалари, хорижий давлатларда ва мамлакатимизда ўтказилган конференциялар материаллари тўпламларида кўплаб тезислари нашр этилган.

Мавлуда Эргашеванинг Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида яқинда нашр этилган “Туркистон, Бухоро ва Хива жадидларининг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари” номли монографияси



жадидларнинг давлатчилик ва ҳуқуқ тўғрисидаги қарашлари тизимли, изчил ва холис тадқиқ этилган илмий асар сифатида, айниқса, диққатга сазовор.

Монографияда кўплаб бирламчи архив материалларидан, шу жумладан жадидлар нашр этган газета ва журналлар материалларидан фойдаланилган, ундаги маълумотлар илмий жамоатчилик муҳокамасига илк маротаба тақдим этилган.

“Жадидлар давлат-ҳуқуқий қарашларининг шаклланишига таъсир этган ижтимоий омиллар” деб номланган биринчи бобда жадидларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари шаклланиши омили бўлиб хизмат қилган сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий шарт-шароитлар, XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон, Бухоро ва Хивада давлатчилик, ҳуқуқий тизим масалалари таҳлил қилинган. Туркистон, Бухоро ва Хивадаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт жадидлик ҳаракати пайдо бўлиши ва ривожланишига таъсир кўрсатгани ёритилган. Хусусан, мустамлакачи чор Россияси томонидан олиб борилган сиёсат, ўлканинг хомашё бозорига айлантирилиб, маҳаллий аҳоли аҳволининг оғирлашгани, одамларнинг камситилгани, ҳуқуқ ва эркинликлари оёқ ости қилингани, маданияти ва анъаналари таҳқирлангани тасвирланган.

Муаллиф жадидлар дастуридаги уч йўналишни, биринчидан, янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш; иккинчидан, умидли ёшларни хорижий давлатларга ўқиш учун юбориш; учинчидан, турли маърифий жамиятлар ҳамда зиёлиларнинг кучли партиясини тузишга қаратилган газета ва журналлар чоп этишни тўғри таъкидлаган.

Монографиянинг “Жадидларнинг ҳуқуқий қарашлари ва уларнинг моҳияти” номли иккинчи бобида Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Мунаввар қори Абдурашидхонов ва бошқаларнинг давлат фаолиятида адолатни таъминлаш, инсон манфаатларига хизмат қилиш борасидаги қарашлари ўрганилган. Жадидларнинг илм-фанни ривожлантириш, инсоннинг билим олишга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш тўғрисидаги фикрлари муҳокама қилинган. Муаллиф инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги жадидликнинг бош ғояси деган фикрни илгари сурган.

Шунингдек, монографияда жадидларнинг Конституция ва қонунлар, суд-ҳуқуқ масалалари, оила ҳақидаги ғоялари илмий мушоҳада доирасига тортилган. Муаллиф жадидларнинг ғоялари ҳам ҳисобга олинган Бухоро Конституцияси билан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моҳияти, мазмуни ва айрим нормаларини қиёсий таҳлил қилган.

Китобнинг “Жадидлар сиёсий партияларининг дастурларида давлат-ҳуқуқий масалаларнинг ишланиши ва ечимлари” деб номланган учинчи бобида “Турк Адами Марказияти”, “Ёш бухороликлар”, “Жадид тараққийпарварлари”, “Ёш хиваликлар”, “Туркистон федералистлари” каби партияларнинг давлат қурилиши, ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш, сиёсий-ижтимоий ва маданий ислоҳотчилик ғоялари ёритилган. Бунда жадид партиялари дастурларида миллий-ҳудудий мухториятга, давлат суверенитетига эришиш, халқни бирлаштириш, ҳуқуқий давлатни қуриш, аҳоли саводхонлигини ошириш, унинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, миллий ҳукуматни тузиш, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ислоҳотларни амалга ошириш ғоялари илмий муҳокама қилинган.

Монографиянинг тўртинчи боби “Давлат ва ҳуқуқ ғояларининг жамоат арбоблари томонидан ривожлантирилишининг баъзи масалалари” деб номланган бўлиб, унда миллий мустақил демократик давлат ғояси – жадид ҳуқуқий қарашларининг бош мезони, деган мулоҳаза илгари сурилган. Бунда жадидларнинг ҳарбий қурилиш ва мудофаа ишларини ривожлантириш, халқлар ўртасида миллий бирлик ва ҳамкорликни кучайтириш, сайловлар ва сиёсий рақобатни рағбатлантириш каби ғоялари ўрганилган.

Шунингдек, монографияда жадидларнинг инсон қадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мустабид тузумга барҳам бериш, мустақил демократик давлат қуриш каби мақсадларга эришиш учун мамлакатнинг дастлабки қадамлари сифатида, биринчидан, кучли миллий армияни барпо этиш, иккинчидан, демократик сайловларни ташкил қилиш ва ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги хулосаларига эътибор қаратилган.

Монографиянинг “Хулоса” қисмида Туркистон, Бухоро ва Хива жадидларининг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашларини ўрганиш методологиясини бойитишга хизмат қиладиган ҳамда фидойи миллат ходимларининг асарларида, дастурларида давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги ғояларнинг ифодаланишига оид муаллифнинг илмий ва амалий хулосалари тақдим этилган.

Китобнинг ҳуқуқшунослик фани учун қуйидаги муҳим янгиликларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин:

– жадид мутафаккирларининг концептуал қарашлари асосида таълим тизими ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ нормаларни конституциявий мустаҳкамлашнинг аҳамияти асосланган;

– жадидлар меросидан аҳоли ўртасида миллий бирдамлик, ватанга садоқат ва миллий ўзликни мустаҳкамлаш учун муҳим илмий асос сифатида фойдаланиш зарурлиги таъкидланган;

– жадидларнинг тарихий хотирасини тиклаш, архив материалларини кенг ўрганиш орқали тарихий воқеаларни объектив ва холис ўрганиш бўйича академик доиралар саъй-ҳаракатини янада кучайтириш зарурати асослаб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, Мавлуда Эргашеванинг “Туркистон, Бухоро ва Хива жадидларининг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашлари” номли китоби жадидлар фаолияти юридик нуқтаи назардан ўрганилган муҳим илмий асар ҳисобланади. Бу каби асарлар халқимизни жадидлар илгари сурган маърифатпарварлик ғоялари билан янада яқинроқ таништиришга, Она Ватан учун азиз жонларини фидо қилган жадид боболаримизнинг хотирасини абадийлаштиришга хизмат қилади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, “Жадид боболаримиз юртимизни озод этишга, қолоқликдан олиб чиқиб, ҳамма соҳаларни ривожлантиришга борини бағишлаган. Бунинг бадалини ўз жонлари билан тўлаган. Биз бугунги мустақиллик, тинчлик, эркинлик шароитида уларни эслашимиз, эъзозлашимиз ҳам қарз, ҳам фарз”.

ТАРИХ ВА ТАҚДИР



“ТАРЖИМОН”НИНГ ХОРАЗМДАГИ МУХБИРЛАРИ

Матбуотнинг тарихни ўрганишдаги аҳамияти катта. У бошқа манбалар – қўлёзма асарлар, архив ҳужжатлари, мемуарлар билан қиёсий таққослаш, тадқиқ қилиш орқали ўтмишда юз берган жараёнларни холис, ҳаққоний тасвирлашга, давр манзараси қандай бўлганлигини тасаввур қилишга имкон яратади. Айнан шу боисдан ҳам туркий мусулмон халқларида миллий уйғонишни юзага келтирган Исмоил Ғаспралининг “Таржимон” газетаси ҳам ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Дастлаб мактаб соҳасини ислоҳ қилиш мақсади билан бошланган жадидлик ҳаракати вақт ўтиб жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олди. Ўша даврдаги реал вазиятда илғор ғояларни тарғиб қилиш, оммалаштириш ва туркий халқларни жипслаштиришда матбуот табиий зарурат эди.

“Таржимон” газетаси айнан шундай масъулиятли вазифани бажарган дастлабки нашр эди. Ушбу газета 1883 йил 10 апрелдан Қримнинг Боғчасарой шаҳрида чоп этила бошлайди.

Мазкур газета чиқа бошлаганидан то кейинги 20 йил давомида Россия империясидаги ягона мусулмон матбуоти бўлиб қолди. Лекин ана шу мўъжазгина газетанинг туркий миллатларга кўрсатган таъсири катта эди. “Таржимон”нинг таъсири остида Россия империясининг турли бурчакларида мусулмонлар тарафидан кўп сонли янги мактаблар очилди. Талайгина хайрия жамиятлари ташкил этилди. Янги адабиётлар, дарслик ва қўлланмалар яратилди.

Исмоил Ғаспрали жуда маҳоратли, айни пайтда сўзни исроф қилмайдиган ўткир публицист эди. У жумлаларни содда, қисқа ва лўнда ифодаловчи услубни қўллади. Шу тариқа “Таржимон”нинг ўрта умумий турк тилини яратди. Ғаспрали бутун туркий миллатларни “Таржимон”нинг ягона адабий тили остида бирлаштиришни орзу қилди. Бунинг учун умрининг охирига қадар “Тилда, фикрда, ишда бирлик” шиори остида курашди. Ғаспрали тарғиб қилган тил ўз вақтида Қримда, Истанбулда, Тошкент ва Бокуда ҳам бирдек тушунарли эди.

“Таржимон” газетаси маҳаллий ва рус тилида чоп этилиб, бири иккинчисининг айнан таржимасидан иборат бўлган. Вақт ўтиб, Исмоил Ғаспрали мақолалардаги мавзулар доирасини ўзгартириб, газетани Россия империясидаги туркий мусулмон халқларининг миллий нашри даражасига кўтарди.

“Таржимон” 1914 йил 11 сентябргача, яъни Ғаспралининг вафотигача унинг ноширлиги ва бош муҳаррирлигида, вафотидан кейин эса ўғли Рифъат ва сафдоши бўлган Ҳасан Сабрий томонидан чоп этилган. Газета 1903 йилдан ҳафтада икки, 1905 йилдан уч маротаба ва 1912 йилдан эса кундалик газетага айлантирилган ва жами бўлиб 2826 та сони нашрдан чиққан. Россия империяси ва Усмонийлар давлатида газета обуначиларининг сони 5 минг нафаргача етган эди. Улар орасида Туркистоннинг турли ҳудудида, хусусан, Хоразмдаги турли табақага мансуб инсонлар ҳам бўлишган.

Маълумки, Туркистонда биринчи матбаахона 1868 йилда Туркистон генерал-губернаторлигининг Тошкентдаги округ штабида ташкил этилган. Бироқ ушбу матбаахона кичик бўлгани туфайли унинг нашр имкониятлари ҳам чекланган эди. Шу боис матбаахонада Туркистон генерал-губернаторлигининг турли буйруқлари, иш ҳужжатларигина чоп этилган. 1870 йилга келиб босмахона ускуналари кўпайтирилади ва генерал-губернаторликнинг рус тилидаги “Туркестанская ведомости” газетаси ташкил этилади. Худди шу йили маҳаллий аҳоли учун “Туркистон вилоятининг газетаси” ҳам араб ҳарфида чоп этила бошлайди. Табиийки, ҳар иккала нашр генерал-губернаторлик маҳкамасининг газетаси бўлгани учун мустамлакачилик мафкураси ва ғоялари асосида иш олиб боради.

Ана шундай вазиятда “Таржимон” фақат Қрим, Волгабўйи, Кавказ мусулмонлари учунгина эмас, Туркистон аҳли, шунингдек, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги аҳолиси учун ҳам миллий руҳдаги, зиёлилар, хусусан саводхон қатлам севиб мутолаа қиладиган, мушоҳада юритадиган газетага айланди.

“Таржимон”нинг ғоялари сабаб вақт ўтиб жадид тараққийпарварлари томонидан Туркистоннинг турли ҳудудларида “Тараққий”, “Хуршид”, “Ойина”, “Садойи Фарғона”, “Ҳуррият”, “Нажот”, “Турон”, “Эл байроғи” сингари кўплаб газеталар чоп этила бошлайди. Ушбу газеталарда ҳам миллат дарди, жамиятни ислоҳ қилиш истаги, муаммоларга ечим сифатидаги таклифлар ёритилган мавзуларга урғу берилди.

Натижада профессор Бегали Қосимов тадқиқ қилганидек, “жадидлик оқим эмас, ҳаракат, ижтимоий, сиёсий, маърифий ҳаракат” даражасига етди. У жамиятнинг барча қатламларини жалб эта олди. Уйғониш мафкураси бўлиб хизмат қилди. Унинг ғайрат ва ташаббуси билан дунё кўрган Туркистон мухторияти бу йўлдаги амалий ҳаракатнинг дастлабки натижаси эди.

Табиийки, Исмоил Ғаспрали Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги вазият билан мунтазам танишиб борди. Негаки, Ғаспрали туркий дунё цивилизациясига катта ҳисса қўшган бу ўлкага истиқболли минтақа сифатида қараган.

Филология фанлари доктори, профессор Зайнобиддин Абдурашидов жадидлик ҳаракати ва “Таржимон”ни тадқиқ қилган ҳолда, газетанинг Туркистон билан боғлиқ библиографиясини нашр эттирди. Профессорнинг таъкидлашича, “мазкур библиографияни тузишда профессор Ё.Оқпинар архивида сақланаётган “Таржимон” газетаси коллекциясидан фойдаланилган. Ушбу коллекция 1883 йилдан 1917 йилгача сонларни ўз ичига олади.

Афсуски, газетанинг 1917 йилги сонлари тўлиқ сақланмаган. 1918 йилги сонлари эса умуман мавжуд эмас. Профессор Ё.Оқпинарнинг ҳаракати билан газетанинг коллекцияда мавжуд бўлмаган сонлари дунё кутубхоналари ва архивларидан топилиб, йиғмажилд тўлиқ ҳолга келтирилган. Мазкур коллекция ҳозирда “Таржимон” газетасининг тўлиқ архиви ҳисобланади”.

Хоразмнинг XIX аср охири ва XX аср бошларидаги даври тарихини ўрганиш, тадқиқ қилиш, қиёслашда бошқа манбалар қаторида “Таржимон” газетасининг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Газетадаги кўплаб мақола, хабар ва лавҳаларда Хоразм ва хоразмликларга оид кўплаб мавзулар ёритилган.

Ҳаёти давомида икки бор Туркистон ва Бухорода бўлган Ғаспрали воҳадаги вазиятни Россиянинг турли ҳудудларида чоп этилган, шунингдек, “Туркестанские ведомости”, “Туркистон вилоятининг газетаси”даги материаллар орқали ҳам кузатиб борган.

Вақт ўтиб бевосита Хоразмдан ҳам “Таржимон” газетасига махсус мақола, хабар ёзадиган мухбирлар етишиб чиқди. Шулардан бири Хоразмдаги жадид мактабида ўқитувчилик қилаётган Рамазон Сайдашев эди. “Таржимон”да Хоразмга боғлиқ кўплаб мақолалар айнан унинг муаллифлигида чоп этилди. Баъзида Ғаспрали Хоразмдаги жараёнларга оид ўзининг таҳлилий мақолаларини ҳам эълон қилиб борди. Бу борада Ғаспрали ва Хива хонлиги бош вазири, тараққийпарвар, ислоҳотчи Исломхўжа ўртасидаги хат орқали фикрлашувлар ҳам катта аҳамият касб этди.

“Таржимон” газетасидаги 1883-1917 йилларга оид 150 дан ортиқ мақола, хабар, лавҳаларда ўша даврда кечган жараёнлар, воқеликлар ёритиб ўтилганки, бу тарихимизни ўрганишда катта аҳамиятга эгадир.

Шу билан бирга, бошқа нашрлардаги Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига оид мақолалар бевосита “Таржимон”да чоп қилиниб турган. Ғаспрали уларни нашр этиш орқали турк дунёсини Ўрта Осиёдаги жараёнлар билан таништириб турувчи воситачи вазифасини ҳам бажарган.

Ана шу мақолалар орқали Исмоил Ғаспрали туркий мусулмон халқлари, шу жумладан Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги жараёнларни кузатиб турган. Шунингдек, Россия империясидаги қайсики нашрда бу ҳудудларга доир мақола чоп этилган бўлса, уларни “Таржимон”да кўчириб босган. Баъзида эса изоҳ бериб, ўз фикр мулоҳазаларини ҳам билдириб турган.

Ушбу мақолаларни “Таржимон” газетасида Хоразмга оид мақола ва лавҳалар” номи билан китоб ҳолида чоп этиш, шу билан бирга “Исмоил Ғаспралининг “Таржимон” газетасидаги чоп этилган мақолаларнинг Хоразм тарихини ўрганишдаги аҳамияти” мавзусида илмий тадқиқот қилиш зарурати бор.

Ўрни келганда, “Таржимон”нинг хоразмлик мухбирлари хусусида тўхталиб ўтсак. Юқорида таъкидлаганимиздек, Рамазон Сайдашев газетанинг фаол мухбирларидан бири эди. У XIX аср охири ва XX аср бошларида Хоразмда фаолият кўрсатган педагог ва журналистдир. Рамазон Сайдашев дастлаб Хивадаги рус-тузем, кейинчалик Мамат маҳрамнинг жадид мактабида дарс берган.

Нашр бош муҳаррири Исмоилбек Ғаспрали Рамазон Сайдашев юборган хабарларни “Хивадан мактуб” рукнида газетада чоп этган. “Мулла Рамазон”, “Рамазон Сайдашев”, “Р.Сайдашев” имзолари остида воҳада кечаётган ҳар бир жараён, воқеликлар газетада эълон қилиб борилган. Рамазон Сайдашевнинг педагогик ва журналистик фаолияти ҳанузгача умуман тадқиқ қилинмаган.

“Таржимон”нинг яна бир жонкуяр ходими Ғофур Усмоний ҳақида ҳам алоҳида тўхталмоқ жоиз. Хоразмдаги жадид мактабларида фаолият кўрсатган педагог ва журналист Ғофур Усмоний XX аср бошларида Хива, Янги Урганч шаҳарларидаги жадид мактабларида ўқитувчилик қилган. У Рамазон Сайдашевнинг таълим ва матбуот соҳасидаги ишларини муносиб давом эттирган шогирди ҳисобланади. Мухбир Усмоний ҳам “Вақт”, “Таржимон” газеталарида Хоразмдаги таълим, тиббиёт ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тўғрисидаги мақолалари билан мунтазам қатнашиб турган.

Бир сўз билан айтганда, “Таржимон” газетасида ўз мақолалари билан фаол иштирок этган Рамазон Сайдашев ва Ғофур Усмоний Хоразмдан етишиб чиққан илк журналистлар сифатида тарих саҳифаларидан жой олишди.

Умид БЕКМУҲАММАД,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори,
доцент

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

АКСИЛИНҚИЛОБЧИ КАРИМ ЗАРИФОВ

Қатағон қурбони бўлган қаҳрамонимиз Карим Зарифов 1897 йил 15 июнда Наманган шаҳрида деҳқончилик ва боғбонлик билан шуғулланувчи оилада туғилган. У Октябрь инқилобидан сўнг Наманган уезд шаҳар боғбони бўлиб хизмат қилган. 1937 йил 11 майда – Самарқанд области Юқори Дарғом район ижроия комитети раиси ўринбосари бўлиб ишлаб турган пайтида ёзган таржимаи ҳолида отаси билан 1915 йилгача бирга яшаганини, рус-тузем мактабини 3-синфини битирганини, моддий қийинчилик сабаб ўқишни давом эттириш имкони бўлмаганини, шу боис 1915 йилдан бошлаб боғдорчилик билан шуғулланишга мажбур бўлганини, Наманган шаҳар боғбони ёрдамчиси бўлиб ишлаганини, 1920 йилдан эса шаҳар боғбони бўлиб тайинланганини қайд этган.



Мавжуд маълумотларга кўра, қаҳрамонимиз 1922 йилгача Қўқон шаҳрида яшаган. Бу вақтда партияга кирган ва интилувчанлиги, зийраклиги инобатга олиниб, Қўқон шаҳар милицияси бошлиғи вазифасига тайинланган. Фаолияти давомида Наманган уезди "Қўшчи" союзи ташкилий бўлим мудири вазифасида ҳам меҳнат қилган. Наманган уезд-шаҳар партия комитетида партия ташкилотчиси бўлиб 1923 йилгача ишлаган.

Меҳнатсеварлиги боис хизмат пиллапояларидан юқорилаб, 1924 йили Наманган область партия комитети томонидан область жиноий-қидирув бўлимининг бошлиғи этиб тайинланган. Бир йил ишлаганидан сўнг махфий-оператив бўлим бошлиғи вазифасига ўтказилган. Кейин яна аввалги ишига, яъни 1925 йили Наманган область жиноий-қидирув бўлими раҳбарлигига қайтиб, бу лавозимда 1926-1927 йиллар давомида сидқидилдан меҳнат қилган.

Қайта ташкил этиш бошланиши муносабати билан у Андижон округи жиноий-қидирув бошлиғи вазифасига ўтказилади. 1929 йил бошларидан эса Қўқон округ партия комитети ва ЎзССР НКВД розилиги билан яна Қўқон округи маъмурий бўлими милиция ва қидирув бўлими бошлиғи лавозимида иш бошлаган қаҳрамонимиз мазкур вазифада 1929 йил охиригача фаолият олиб боради.

"1929 йил декабрда, – деб ёзади Карим Зарифов шахсий варақани тўлдира туриб, – Самарқанд шаҳрига келишим билан округ партия комитети секретари томонидан 1-сон завод бошқармасига бошлиқ бўлдим. Олти ой ишладим. Самарқанд округ партия комитети қарорига биноан мен Икромов райони ер бўлимига мудир этиб, шундан сўнг Самарқанд округ партия комитети ва округ ижроия комитети Икромов райони райижроқўм раиси ўринбосари қилиб тайинландим. Кейинроқ яна ўша кўрсатилган ташкилотлар қарори билан Юқори Дарғом райони ижроия комитети раиси ўринбосари вазифасига масъул бўлдим. Шу лавозимда ҳозирги вақтгача ишлаб келмоқдаман".

Карим Зарифов 1931–1935 йилларда Янги Урганч шаҳрида Хоразм округи милиция бошлиғи, 1935–1937 йилларда Бухоро шаҳрида округ милиция сектори бошлиғи бўлиб хизмат қилган.

Шахсий варақада 1924, 1925, 1926, 1934 йиллари жиноятчиларга қарши фаол кураш олиб боргани учун фахрий ёрлиқлар, қуроллар билан тақдирланганини, оиласида фақат аёли борлиги, яшаш манзили Бухоро шаҳри, Гузор Озод кўчаси, 385-уй эканини қайд этган.

Архив ҳужжатлари орасида Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссари, давлат хавфсизлиги майори Апресян томонидан берилган 1937 йил 6 декабрда ЎзССР Жиноят кодексининг 57-67-моддаси билан айбланувчи Карим Зарифовнинг 7856-сонли тергов ишининг тушунтириш хулосаси бор. Унда Бухоро шаҳри милиция бошлиғи Карим Зарифовнинг Ўрта Осиёда мавжуд бўлган аксилинқилобчи, миллатчи ташкилот иши юзасидан тергов маълумотлари келтирилган. Қаҳрамонимиз шу маълумотлар асосида 1937 йил 28 октябрда ҳибсга олинади.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги тергов бошқармаси бўлими оператив вакили Куминов ва давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти Мясников томонидан Карим Зарифов ЎзССР Жиноят кодексининг 60-, 67- ва 57–2-моддалари бўйича айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилган. Бу ҳақидаги қарор ЎзССР НКВД комиссари ўринбосари Леонов томонидан тасдиқланган.

1937 йил апрель бошларида Карим Зарифов партия сафидан ўчирилади. Унинг партиявийлиги билан боғлиқ ҳолатлар расмий суръатда муҳокама қилинган. Гувоҳлардан бири Юнус Азимов 1937 йил 24 апрелдаги партия йиғилишида қаҳрамонимизга: *"1934 йил кузида Мўминовнинг уйидаги суҳбатда Афғонистон консуллиги ходими Ғулом Иброҳимов иштирок этган. Айтинг-чи Мўминов билан Ғулом Иброҳимов ўртасидаги алоқалар ҳақида сизга нималар маълум?"* дея савол берган. Карим Зарифов саволга жавобан: *"Ҳақиқатдан 1934 йил охирида бошқа меҳмонлар қатори мен ҳам Мўминовнинг уйидаги овқатланишда бўлганман. Меҳмонлар қатори Афғонистон консуллиги ходими Ғулом (фамилиясини билмайман) ҳам бўлган. Менга маълумки, Ғулом Мўминов ҳузурида тез-тез бўлиб турган. Улар ўртасида алоқа бўлган. Мен Мўминов билан Ғуломнинг ўртасидаги муносабатни билмайман".*

1937 йил 31 октябрь куни Тошкент шаҳрида ЎзССР НКВД Махсус инспекция катта инспектори, милиция кичик лейтенанти Гзиков Бухоро сектори собиқ бошлиғи Карим Зарифов ЎзССР Жиноят кодексининг 60-, 67-моддалари бўйича жиноий жавобгарликда айбланаётганини, ЎзССР Ички ишлар халқ вазири Апресян айбланувчи Карим Зарифов тўғрисидаги жамики материалларни ЎзССР Махсус вакилига топшириши кераклигини талаб қилган. Қабул қилинган қарорда Карим Зарифовга тегишли барча материаллар НКВДнинг махсус бўлимига топширилиши белгиланган.

Карим Зарифов 1937 йил 14 ноябрда тергов қилинган. Терговчи унга:

– Сиз Бухоро шаҳрида аксилинқилобий қўзғолончи ташкилотнинг аъзоси бўлгансиз. Сиздан шу масалада кўрсатма беришингизни талаб этамиз.

Маҳбус терговчига жавобан шундай деган:

– Тан оламанки ва тасдиқлайманки, ҳибсга олинганим вақтидан бери мен ўзимни Бухоро шаҳридаги аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси бўлганимни айтиб келмоқдаман.

– Қандай мақсад ва вазифа қўйгансиз?

– Мен аъзо бўлган аксилинқилобий ташкилот ўз олдига қўзғолон тайёрлаб, Совет ҳокимиятини ағдариб, Ўрта Осиё ҳудудида буржуа демократик миллий давлатни ўрнатиш вазифасини қўйган.

– Ким томонидан ва қачон сиз аксилинқилобий ташкилотга тортилгансиз?

– Мен аксилинқилобий исёнчи ташкилотга 1935 йил июнь ойида Бухоро шаҳридаги партия фаоллари уйида Бухоро шаҳар партия комитетининг собиқ секретари Ҳаким Каримов билан унинг кабинетида узоқ сўзлашганимдан сўнг аъзо бўлганман. Каримов менинг келиб чиқишим, қаерданлигим, ўтмишдаги иш фаолиятим ва менинг шахсий ҳаётимга оид бошқа саволлар берган. Суҳбат охирида Каримов менга шаҳар партия комитети дам олиш уйига эга эканини, менинг ҳам партия аъзоси, масъул ходим сифатида у ерга келиб туришимни тайинлади. Қолаверса, Каримов мени огоҳлантириб, партия фаоллари дам олиш уйига фақат бир ўзим, аёлимсиз келишимни айтди. Дам олиш кунининг ўзидаёқ Каримов менга енгил автомашина юборган ва мен ўшанда дам олиш уйига биринчи марта бордим. Шу куни дам олиш уйида шаҳар партия комитетининг собиқ котиби Ҳаким Каримов, шаҳар советининг собиқ раиси Ражаб Қурбонов, 1-"МТС" директори Умар Юнусов, шаҳар совети раиси собиқ ўринбосари Рамазонов, район ижроия комитети раиси Ҳамид Юнусов бўлган.

Ҳужжатда қайд этилишича, Карим Зарифов ўша дам олиш уйига биринчи бор кирганида Каримовнинг ишончини қозонган, мавзуга қизиққан.

"Партия комитети дам олиш уйига биринчи бор келганимда Ҳаким Каримов менга ишонч билан қараган ва айни вақтда мавзуга қизиқиб ушбу манзилга ҳар дам олиш кунида келиб турганман.

Каримовнинг топшириқларини ҳар хил вақтда тахминан 1935 йил сентябрь ойидан бажаришга киришдик. Топшириққа кўра, аксилинқилобий исёнчи ташкилотимизга милиционерларни жалб эта бошладим. Улар қуйидагилар эди: Карим Раҳимов, Эгамбердиев, Караматов, Ҳусайн Шарипов ва участка инспектори Иброҳимов. Юқоридаги шахсларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида суҳбат ўтказдим. Уларнинг ҳар бирини руслар билан курашишга тайёр туришларини, қуролли қўзғолон йўли билан русларни Ўзбекистон ҳудудидан чиқариб юборишни, шундагина бутун ўзбек халқи эътироф этилишига эришиш мумкинлигини айтдим. Бир вақтнинг ўзида мен уларнинг ҳар бирини алоҳида жалб этиб, уларга ўз ўртоқларини ташкилотга жалб этиши ҳақида топшириқ бердим".

– Терговга маълумки, аксилинқилобий ташкилотга милиционерларни тортишдан ташқари сиз Каримов топшириғи бўйича аксилинқилобий ташкилотни қурол билан таъминлагансиз. Қанча миқдорда қуролни аксилинқилобий ташкилотга ва айнан кимга топширгансиз?

– Каримовнинг тўғридан-тўғри топшириғи бўйича бизнинг аксилинқилобий ташкилотимиз аъзоларини қурол билан таъминладим. Қурбоновни "Наган" тизимли ва қўлбола револьвер билан, Йўлдошевни "браун" 7,65 калибрли "Наган" билан таъминладим.

Архивдаги 8567-сонли Карим Зарифовнинг шахсий ишида Хосиятхон Зарифова унинг онасилиги қайд этилган. Бироқ ҳужжатда қаҳрамонимизнинг онаси яшаган манзил кўрсатилмаган. Карим Зарифовнинг аёли 1904 йилда туғилган Коляева Анна Кузминичнанинг ҳам туғилган жойи архив ҳужжатларида қайд этилмаган. Қаҳрамонимиз ҳибсга олинган вақтда Самарқанд шаҳрида яшаётгани кўрсатилган, аммо яшаётган кўчаси, уй рақами, қариндошлари номлари келтирилмаган. Карим Зарифов 1937 йил Бухоро области Ички ишлар бошқармаси оператив сектор бошлиғи экани ҳам қайд этилмаган.

1938 йил 8 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг тайёрловчи йиғилиши Тошкентда ўтказилган. Унинг тафсилотлари акс этган 4-сонли баённомада йиғилишда Алексеев (раис), ҳарбий юрист Зайцев (аъзо), 1-рангдаги ҳарбий юрист Болдерев (аъзо), ҳарбий юрист Ватнер (котиб) ва прокурор ёрдамчиси Шульц қатнашгани қайд этилган.

Йиғилишда маҳбус Карим Зарифов иши СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясига тақдим этилиб, судланувчи ЎзССР Жиноят кодексининг 57–1, 64- ва 67-моддалари бўйича айбланган.

1938 йил 9 октябрда Тошкент шаҳрида СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг кўчма сессиясида ёпиқ суд йиғилиши ўтказилади. Суд йиғилиши соат 13:35 да очилган. Раислик қилувчи томонидан Карим Зарифов ЎзССР Жиноят кодексининг 57–1, 64- ва 67-моддалари билан айбланган қайд этилган. Суд котиби судланувчи суд залида борлиги ва судга гувоҳлар чақирилмаганини келтириб ўтган. Судланувчи ҳеч қандай аризага эга эмаслиги ва суд таркибига нисбатан қаршилиги йўқлигини билдирган.

СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 9 октябрдаги йиғилишида 1897 йили Наманган шаҳрида туғилган Карим Зарифов отувга ҳукм этилган. Ҳукм ўша куни ижро қилинган.

Орадан 19 йил ўтиб, 1957 йил 3 апрелда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясида ЎзССР Жиноят кодексининг 58-, 64- ва 67-моддалари билан отувга ҳукм этилган Карим Зарифов ҳаракати таркибида жиноят аломатлари йўқлиги аниқланган.

Прокурор қўшимча текширувлар натижасида Зарифовнинг айбсизлигидан гувоҳлик берувчи янги ҳолат топилгани муносабати билан ҳукмни бекор қилишни сўрайди. Шунга биноан иш материалларини кўриб чиқиб ва хулосадаги далил ва сабабларни эътиборга олиб СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси 1938 йил 9 октябрдаги Карим Зарифовга нисбатан ҳукмни бекор этган. Жиноят таркиби йўқлиги боис ишни тўхтатишга қарор қилинган.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Солиҳ Жумаев – 1881 йилда Шофиркон райони Қатағон қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси. Ҳибсга олинган вақтда колхоз котиби бўлган. Доимий равишда аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда, ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди ва 67-моддаси билан айбланиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

Бобожон Шодиев – 1889 йили Шофиркон райони Хант қишлоғида туғилган. Ўзбек миллатига мансуб. "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси бўлган. Ҳибсга олинган пайтда колхоз котиби бўлиб ишлаган. ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди ва 67-моддаси билан миллатчи гуруҳ иштирокчиси сифатида доимий равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 28 ноябрдан ҳисобланган.

Исроил Алихўжаев – 1896 йили Фарғона шаҳрида туғилган. 1918 йили Қўқондаги қўзғолонда иштирок этган. 1918 йили аксилинқилобий фаолияти учун 6 йил қамоққа ҳукм этилган. 1934 йили партиядан ўчирилган. Қамоққа олиниш вақтида колхозда ферма мудири бўлиб ишлаган. У 1918 йили қўзғолоннинг фаол иштирокчиси бўлган, қизил армиячиларнинг отилишида иштирок этган, миллатчи аксилинқилобий тарғибот олиб борган. "Миллий иттиҳод" аксилинқилобий миллатчи ташкилотнинг аъзоси сифатида унинг яширин йиғилишларида иштирок этганлиги сабабли ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди ва 67-моддаси билан айбланиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган.

Абдуғафурхўжа Абдусамиғхўжаев – 1888 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. У 1919–1924 йилларда "Иттиҳод ва тараққий", "Миллий иттиҳод" ташкилотларида фаол иштирок этганликда ҳамда "Уламолар яккамиллати"га раҳбарлик қилганликда, Осипов исёнида фаол иштироки учун айбланиб, ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 2-банди бўйича 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 13 августдан ҳисобланган.

Рўзиқул Юсупов – 1896 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек, икки марта судланган. 1918 йилдан 1924 йилгача партия аъзоси бўлган. 1921 йилдан "Миллий иттиҳод" аксилинқилобий, миллатчи ташкилот аъзоси бўлган. Шу ташкилотнинг Самарқанддаги филиалида раҳбарлик қилган. Доимий равишда аксилинқилобий характердаги тарғибот олиб борганликда, яъни ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси билан айбланиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1938 йил 10 августда ҳисобланган.

Лутфилла Алимов – 1910 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1931 йилдан 1935 йилгача Ўзкомпартия аъзоси бўлган, партия ҳужжатлари текширилган вақтда партиядан ўчирилган. 1926 йилдан "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси сифатида аксилинқилобий тарғибот билан доимий равишда машғул бўлганликда, совет ҳокимиятига қарши қаратилган миллатчилик фикрлари учун ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 2-банди билан айбланиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган.


Хомид Расул Қориев – 1902 йили Қозоғистон ССР Мирзоян шаҳрида туғилган. Ўзбек миллатига мансуб. Партия аъзоси бўлган, пахта ишлари сабаб партиядан ўчирилган. Лавозим бўйича жиноят қилганлиги учун 1935 йил 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Кейин ҳукм 1 йил шартли қамоқ билан алмаштирилган. Кейинчалик у "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси бўлганликда айбланиб 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 10 августдан ҳисобланган.

Нигорахон АКБАРОВА,
илмий ходим

(Давоми келгуси сонда).

ОҒРИҚ

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚДАГИ РЎЁ



ЁШЛАРНИ УНДАН ҲИМОЯ ҚИЛМОҚ КЕРАК!

Ижтимоий тармоқлардаги савиясиз видеолавҳалардан бирининг остига қолдирилган ажабтовур изоҳ эътиборимни тортди. Унда икки ўсмирнинг бемаза қилиқлари тасвирланган эди, бунга муносабат билдирган бир фойдаланувчи “Соҳибқирон бобомиз Амир Темур шулар учун жанг қилганмиди?” дея изоҳ ёзган. Бу гап бир қараганда маъносиз туюлади, лекин тагида аччиқ ҳақиқат ва киноя мавжуд.

Авлодлар юксак технологиялар асрида аждодларга муносиблик у ёқда турсин, миллий ўзликдан ҳам узоқлашаётгани ачинарли ҳол. Бу ҳолатни ўрганиш, илмий тадқиқотлар ўтказиш айни пайтдаги долзарб вазифалардан биридир. Кейинги пайтларда аҳолининг ёш қатлами бевосита тармоқлардаги кайфият, мулоқотлар таъсирида вояга етаётгани сир эмас. Афсуски, ўсмирларнинг қўлидаги телефонни назорат қилиш мушкул бўлиб қолди. Шундай пайтда уларга тақиқ билан эмас, интернетдан фойдаланиш маданиятини ўргатиш билан вазиятни яхши томонга ўзгартириш мумкин. Бироқ бизда ҳали интернетдан фойдаланиш маданияти ҳам тўлатўкис шаклланиб улгургани йўқ. Аксарият ёшлар реал ҳаётдан кўра кўпроқ виртуал ҳаётга боғланиб қолишяпти. Виртуал ҳаёт реалликдан кескин фарқланиши, у ерда иллюзиялар кўп эканини ёшлар тушуниб етмаяпти. Сўнгги йилларда ижтимоий тармоқларда баъзи ўсмирларнинг тажовузкор хатти-ҳаракатлари акс эттирилган кейслар сони ортиб бормоқда. Бироқ бу ҳодисанинг турли томонларини ва унинг ижтимоий тармоқларда ҳар хил кўринишда намоён бўлишини тавсифловчи тадқиқотлар ҳали кўп эмас. Ижтимоий тармоқларнинг ёш фойдаланувчилари орасида виртуал тажовуз бўйича хорижий тадқиқотларни кўриб чиқиш орқали айрим хулосалар билан ўртоқлашамиз.

Оммабоп ижтимоий тармоқларда интернетдаги безориликнинг хусусиятларини ва унинг салбий психологик оқибатларини очиб берадиган тадқиқотларни кузатдик. Бир қатор мамлакатларда ўсмирлар ўртасида кибербуллинг, яъни замонавий ахборот технологиялари орқали безориликнинг тарқалиши бўйича алоҳида статистик маълумотлар келтирилган. Кибертажовузнинг асосий сабаблари, шунингдек, ёшларнинг кибербуллингга жалб этилишига ёрдам берадиган хавф омиллари ва унинг ёш фойдаланувчиларнинг руҳий тўкислигига таъсирини камайтирадиган омиллар таҳлил қилинган.

Виртуал тажовузнинг турли вариантлари мавжуд. Буларга, хусусан, оғзаки зўравонлик, дўқ-пўписа, камситиш ёки бошқа фойдаланувчини масхара, ҳақорат қилиш ёки унга нисбатан таҳдидлар киради. Бир гуруҳ одамлар томонидан ёзишмалар орқали шахсни қабул қилмаслик, рад этиш ва у билан мулоқот қилишни истамаслик эса гуруҳ зўравонлиги ҳисобланади. Бошқа шахсларнинг фото ва видеоматериалларини унинг рухсатисиз ижтимоий тармоққа жойлаштириш ва тарқатиш “визуал зўравонлик” деб аталади.

Кибербуллинг ёки болалар ва ўсмирларнинг Интернетдаги виртуал тажовузлари хориждаги тадқиқотчиларнинг эътиборини тортмоқда. 1990-йилларда пайдо бўлган буллинг тушунчаси ижтимоий куч ёки жисмоний кучнинг тенгсизлигини ўз ичига олган қасддан, мунтазам равишда такрорланадиган тажовузкор хатти-ҳаракатлар сифатида тавсифланади. Сўнгги йилларда буллинг доираси сезиларли даражада кенгайди. Интернет ва ижтимоий тармоқларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши виртуал макон замонавий ўсмирлар ҳаётининг муҳим қисмига айланишига ёрдам берди. Шу жумладан унинг ижобий ва салбий томонлари, тажовузкорлик ва онлайн безорилик, аниқроғи, кибербуллинг кучайишига йўл очди. Кибербуллингнинг ўзига хослиги ва ортиб бораётган хавфи шундаки, анонимлик, яъни шахсини яширгани туфайли тажовузкорнинг жазосиз қолиши ва содир этган ҳаракатлари учун ўзини айбдор ҳис қилмаслиги мумкин, жабрланувчи эса мунтазам равишда ташвиш ва қўрқувни ҳис қилади. Кибербуллингнинг кенг тарқалган шаклларига қўрқитиш ёки мунтазам равишда юборилган ҳақоратли хабарлар киради.

Тадқиқотчилар, ўқитувчилар ва ота-оналарни бир савол кўпроқ қийнамоқда – ўсмирларни кибербуллингга қандай сабаблар ундашмоқда? Ўрганишларга кўра, ўтмишда таҳқир ва зўровонликка дуч келган ўсмирлар руҳиятида “қасос олиш мотивацияси” ўрнашиб қолади. Кейинчалик ана шу ҳолат уни кибербузғунчиликка ундаши мумкин. Баъзи тажовузкорлар эса ўзининг бошқа тайинли машғулоти ва қизиқишлари йўқлиги боис шунчаки вақт ўтказиш мақсадида ана шундай ножоиз ишларга қўл урради. Тенгдошларнинг босими ҳам айрим ўқувчиларни онлайн безориликка ундаши мумкин. Ўсмирларнинг ҳар бир киши камида бир марта бошқаларни ҳақорат қилгани ҳақидаги фикрига асосланган мотивация (“ҳамманинг иштироки”) ва “хавфсизлик туйғуси” кибербузғунчиларнинг хатти-ҳаракатлари жазосиз қолиши ҳақидаги ишончини мустаҳкамлайди.

Кибербуллингнинг олдини олишда асосий йўналиш сифатида интернет платформаларининг хавфсизлик даражасини ошириш, болалар ва уларнинг ота-онасини интернетда адекват хатти-ҳаракатларга ўргатиш каби мезонлар тилга олинади. Баъзи ижтимоий тармоқлар ўз аккаунтларида махфийлик созламаларини ўрнатиш имкониятига эга, бу эса фойдаланувчиларга салбий шарҳлардан халос бўлиш ва ҳуқуқбузарларни блоклаш имконини беради.

Кибербуллинг интернет ва ижтимоий тармоқлар ривожланган сайин бизнинг жамиятимизда ҳам жиддий муаммога айланмоқда. Мактабларда ўсмирларнинг тажовузкор хатти-ҳаракатлари олдини олиш учун махсус дастурлар ишлаб чиқилиши лозим. Педагог ходимларнинг психологик компетенция даражасини ошириш ва вояга етмаганларнинг тенгдошлари билан муносабатларидаги психологик муаммоларни бартараф этиш зарур. Виртуал зўравонликдан азият чеккан шахслар билан индивидуал ва гуруҳли психотерапия усуллари орқали шуғулланиш тавсия этилади. Бироқ бу тадбирларни ўтказиш учун ёшларнинг шахсий хусусиятларини инобатга оладиган малакали мутахассисларни тайёрлаш талаб этилади.

Шунингдек, турли интернет сайтлари ва янги ташкил этилган ижтимоий тармоқларда ўсмирларнинг виртуал мулоқотини ўрганиш лозим. Айниқса, Тик-ток ижтимоий тармоғи ўсмирлар энг фаол фойдаланадиган платформа ҳисобланади. Бизда виртуал буллинг жабрдийдалари статистикаси юритилмаслиги ҳам муаммонинг энг катта жиҳатларидан биридир. Кибербуллинг ва анъанавий мактаб зўравонлигининг ўзаро боғлиқлиги масаласи ҳам долзарб ҳисобланади. Кибербуллингнинг пайдо бўлишига ёрдам берувчи омиллар ва унинг олдини олиш соҳасидаги изланишларни давом эттириш эса ушбу ҳодисанинг психологик ва ижтимоий-психологик хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш ва уларнинг олдини олиш бўйича таъсирчан чоралар ишлаб чиқиш имконини беради. Шу билан бирга, бундай тадқиқотлар рақамли макон ва таълим масканида ўқувчилар учун хавфсизлик шароитларини яхшилашда қўл келиши мумкин.

Зотан, буллинг ҳам ижтимоий тармоқдаги бир рўё, холос. Бироқ буни ўсмир руҳияти ёмон қабул қилади ва кейинчалик оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Шундай экан, фарзандларимиз тақдирига бефарқ бўлмаслигимиз, уларни ижтимоий тармоқдаги иллюзиялардан асрашимиз керак.

Камолиддин ТЎРАЕВ,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти илмий ходими, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

КЕСАТИК



Бизда самолётлар қўниб қўя қолмайди, балки “қўнишни амалга оширади”. Биз дорини, кечирасиз, “дори воситаси”ни ичиб ёки ютиб қўя қолмаймиз, балки уни ниҳоятда ҳурмат-иззат билан “қабул қиламиз”. Кредитни тўлаш хаёлимизга келмайди, балки унинг устига бир-бир челакдан сув қуйиб, “сўндириб” борамиз. Олов-да у! Бизда футболчилар шунчаки биров-бировини чалиб йиқитмайди, балки “фол” қилади. Қўшимча вақтда эмас, ўйнашса, фақат “экстра тайм”ларда ўйнашади. Бурчакдан тўп тепишмайди, балки “корнерни амалга оширади”. Тилимизни шундай “севамиз”.

* * *



Бизда давлат тилини билиш мажбурий бўлмай туриб, чет тилини билиш мажбурий этиб белгиланган. Ўзбек она тилини яхши билмаса, бир гапида ўнта хато қилиб ёзсаю чет тилини билса (сертификати (!) бўлса) бўлди, унга ҳамма жойда эшик очиқ – “яшил чироқ”. Лекин она тилини зўр билсаю, чет тилидан сертификати бўлмаса, давлат университетлари магистратурасига ҳужжат топширишга “қизил чироқ”...

* * *



“Қурт” деб ёзиб қўйган, лекин қурт сўрасанг, бир донаям топиб беролмайди. Чунки булар ҳаётда қурт билан қурутнинг фарқига бормайди...

Чет тилидан сертификат сўраб, одамларнинг йўлига тўғаноқ бўлгунча, таълимчиларимиз она тилини ўқитишни жойига қўйиб қўйсалар бўлмайдими? Акс ҳолда, яқин келажакда мана шунақа қуртфурушу қуртшунослар етишиб чиқаверади.

Элмурод НИШОНОВ,
Фейсбук

ТИЛБИЛИМ

ХАШАК СЎЗЛАР

Узоқ вақт оқмаган ариққа сув келса, сув дастлаб хас-хашак, чиқиндиларни олиб келади. Саксонинчи йиллар охири, тўқсонинчи йиллар бошида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши муносабати билан тилимиздаги баъзи русча, байналмилал сўзларни ўзбекчалаштиришда ҳам шундай бўлди. Мисол учун “район” аввалига “ноҳия” аталди, лекин бу хашак сўз эди, ҳеч ким уни ҳазм қилолмади, аммо тилимизда минг йиллар оша яшаб келган, кичик ҳудудий бирликни бир чет сўз – “район”дан ҳам яхшироқ ифода этадиган “туман” бор эди. “Туман”нинг қайта тикланиши шундай топилма бўлдики, унинг олдида “район”нинг ўзи ғализ туюлиб қолди. Бироқ ўша пайтларда қабул қилинган баъзи хашак сўзлар ҳали-ҳамон яшаб келмоқда. Шундай хашак сўзлардан бири:



БОШЛОВЧИ

Хўш, теле ёки радиобошловчи ким? Телебошловчи кўрсатувни олиб боради ёки тақдим этади, радиобошловчи радиоэшиттиришни. Ўзбек тилида “бошловчи” деганда бирон иш-ҳаракатни бошлаб берувчи шахс тушунилади. Чунки бу сўз “бошламоқ” феълидан ясалган. Мантиқан бошловчининг ўша бошланган ишни давом эттириши ёки ниҳоясига етказиши шарт эмас. Чунки у бошловчи. Дейлик, Қодирий – ўзбек романчилиги бошловчиси, лекин давом эттирувчи ёки ниҳояловчи эмас. Телебошловчи ҳам бирон бир кўрсатувни бошлаб бериб, кейин ғойиб бўлиб қолмайди, бошлагандан кейин охиригача олиб боради, охирида эса ниҳоялаб биз билан хайрлашади. Бошқачароқ айтганда, у кўрсатувни бошдан охиригача бизга тақдим этади. Шу боис турк қардошларимиз бу касб эгасини – “сунувчи” (“sunucu”, “televizyon sunucusu”), яъни “тақдим этувчи”, озарбайжон қардошларимиз: “олиб борувчи” (“televiziya aparıcısı”) деб атайди. “Олиб борувчи” деганда русча “телеведущий”дан нусха кўчиргандай туюлади, лекин телевизор пайдо бўлибдики, тилимизда шу ибора бор: “кўрсатувни фалончи олиб боради” ёки “тақдим этади” деймиз, лекин ҳеч қачон “кўрсатувни фалончи бошлаб беради” дейилмайди.

Шу ўринда яна бир мисол: мазкур касб эгасининг французчада аталиши диққатга сазовор: француз тилида кўрсатув олиб борувчи журналист – “аниматор” (аёл кишига нисбатан: “аниматрис” – “animateur”, “animatrice de télévision”) аталади. “Animateur (-rice)” – “жон ато этмоқ”, “жонлантирмоқ” каби маъноларга эга французча “animer” (ёки лотинча: “animare”) феълидан ясалган бўлиб, “жонлантирувчи” демакдир. Яъни, французча аниматор – кўрсатув ёки эшиттиришни жонлантирувчи, унга руҳ бағишловчи шахс (Француз тилида “аниматор”, шунингдек, бирон бир гуруҳ, иш-ҳаракат, санъат асарига “жон бахш этувчи” маъносида бошқа соҳаларда ҳам ишлатилади). Шунингдек, француз тилида баъзан кўрсатув тақдим этувчисига нисбатан – “презентатор” (“présentateur” – “тақдим этувчи”) дейилиши ҳам мумкин. Инглиз тилида ҳам худди шу маънода “radio/television presenter”, яъни “радио/телевизион тақдим этувчиси” номи қўлланади.

СУХАНДОН

Русча “диктор” сўзини “сухандон”га алмаштирилишини ақл билан тушуниб бўлмайди. Диктор – бу радио ёки телевизор орқали эшиттириладиган матнларни ўқиб берувчи ходим. Инглиз тилида бу касб эгаси – “announcer”, турк тилида “anönsör”, яъни “эълон қилувчи”, “билдирувчи” деб аталади. “Диктор” ҳам, “announcer” ҳам шу касб эгаси бажарадиган амалга мос ном, форс-тожикча: “сухандон” эса: “сўзга чечан, сўзамол, нотиқ” каби маъноларга эга. Лекин “диктор” деб тайёр матнни ўқиб берувчи шахсга нисбатан айтилади, ёқимли овози, сўзларни яхши талаффуз қила олиш қобилияти унинг асосий фазилатлари, диктор умуман гапга чечан, нотиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Эҳтимол, сўзга чечан, нотиқ, сухандон сўзини сиёсатчи, адабиётчи ёки бошқаларга нисбатан қўллаш мумкиндир, лекин асло дикторга нисбатан эмас.

Негадир бизда бир чет сўзни бошқа чет сўзга алмаштириш анъанаси мавжуд, нафақат чет сўз, ҳатто кўпинча ўз сўзимизни ҳам чет сўзга алмаштирамиз, эҳтимол, шу хислатимиз билан дунёда ягона миллат бўлишимиз мумкин. Дейлик, “радиотингловчи” сўзи яқин ўтмишда – радио пайдо бўлгандан кейин чет сўз эмас, ўз сўзимиздан ясалган. Ана шундай топилмалар бизга кўпроқ керак.

Абдувоҳид ҲАЙИТ

Jadid
adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари:
Ҳумоюн Акбаров

Масъул котиб:
Шуҳрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Дилмурод Дўстбеков

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади – 5 812
Лотин ёзувидаги адади – 11 905
Медиа кузатувчилар – 19 335
Буюртма: Г – 1039
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 20:30
Сотувда нархи эркин.

jadid-media.uz